



Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

2010-yil 9-sentabr № 112 (2837) payshanba

2010 йил — Баркамол авлод йили



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) оlingan сурат

Аёл соғлом бўлса, авлод соғломдир

Мазкур спорт байрами олдидан пойтахтимизда бўлиб ўтган матбуот анжуманига турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, спорт мураббийлари, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, ва оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилди.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маъруфова анжумани очар экан, Юртбошимиз раҳнамолигида жамиятда хотин-қизлар мавқеини, янада юксалтириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Аёлларга хос спорт турларининг оммалашиб бораётгани, турли халқаро мусобақаларда голиб бўлиб қайтаётганларнинг катта қисмини аёллар ташкил этаётгани, жумладан, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларининг 10 нафари спорт соҳасида ютуқларни қўлга киритгани ҳам юртимизда аёллар спортга берилаётган эътиборнинг ёрқин мисолидир. Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида спорт билан шуғулланувчи аёл-

Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизлар саломатлигини янада яхшилаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкам қарор топтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг 13-15 сентябр кунлари пойтахтимизда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ўтказиладиган аънавий Республика аёллар спорт фестивали ҳамда Республика гимнастрада фестивали бу борада амалга оширилаётган эзгу ишларнинг амалий ифодасидир.

лар сафи кенгаймоқда. 2008 йилда спорт билан шуғулланаётган аёлларнинг сони 2 млн. 564 нафарга, 2009 йилда 3 млн. 160 нафарга ортисига эришилди ва ҳозирда 4 млн.дан ортиқ хотин-қизлар спортга жалб этилган.

Шунингдек, тадбирда сўнгги йилларда ёш спортчиларни тарбияловчи аёл мураббийларни кўпайтиришга катта эътибор қаратилаётгани алоҳида эътироф этилди. Айниқса, қишлоқ жойларида аёл мураббийларнинг фаолият юритишини таъминлаш мақсадида Жисмоний тарбия институтида «Хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши» ташкил этилди. Баркамол авлод йилида 225 нафар ёш ва навқирон кадрлар тахсилни тугатиб, ўз фаолиятини бошлагани ҳам таъкидлаб ўтилди.

Жорий йилда «Аёл соғлом бўлса,

авлод соғломдир» шиори остида ўтказиладиган 5-Республика аёллар спорт фестивали ҳамда 4-Республика гимнастрада фестивали хотин-қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш, уларни жисмоний тарбия орқали ўз саломатлигига бўлган масъулиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Фестивал Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Республика гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Миллий Олимпия кўмитаси, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, «Соғлом авлод учун» ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари, «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси

ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилди.

Республика аёллар спорт фестивалига 300 нафар иштирокчи ва спорт мураббийси, Гимнастрада фестивалига эса 200 нафар аёл таклиф этилган. Голиблар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар,

диплом билан тақдирланади. Энг муҳими, 500 нафар иштирокчининг барчаси ҳамкорларнинг совғалари билан тақдирланиши режалаштирилган.

Мусобақалар «Универсал» спорт саройи ҳамда Ўзбекистон Миллий университетининг спорт залларида ўтказилади.

Шунингдек, иштирокчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида маданий-маърифий дастурлар ҳамда Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Суратда: Наманган шаҳридаги 19-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бадий гимнастика бўйича мураббийси Зекиё Гнездилова қизларга гимнастика сирларини ўргатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармони мувофиқ:

1. 2010 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 10 сентябрда тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2010 йил 10 сентябр дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 7 сентябр

Истиқлол шукуҳи

Самарқанд шаҳрида жорий йилнинг ўзида 444 та объектда қурилиш ишлари амалга оширилади. Шу кунгача 141 та иншоот янгитдан бунёд этилди. 11 та кўп қаватли турар-жой, 4 та маъмурий бино, 108 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншооти қурилди. Шаҳар ички йўллари тартибга солиш ишлари учун 40 млрд. сўм маблағ ажратилган.

ТАРОВАТ

Биргина Мирзо Улуғбек кўчасида 228 та объектда қурилиш ишлари ниҳоясига етказилди. Бу ердаги ҳар бир бинога ўзига хос дизайн, шарқона жило берилган. Мармар бозори, янги алоқа банк биноси, мухташам турар жой биноси, «Баҳор» савдо мажмуаси, хуллас барчасида бунёдкорлик нафаси уфуриб турибди.

— Нафақат хорижликлар, ҳаттоки ўзимиз ҳам Самарқанддаги бунёдкорликдан лол қолдик, — дейди қўшрабтлик муаллим Худоёр Шакаров. — Бу юртимиздаги фаровонлик, тотув турмуш нишонасидир.

Биз биргина Улуғбек номидаги кўча тароватини тавсиф этиш билан чекландик. Бу Самарқанддаги ақлни лол этувчи бунёдкорликнинг бир бўлаги, холос.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Кўшхабар

Таъмирдан чиқарилди

Марғилон шаҳар ҳокимлигининг бево-сита ёрдамида байрам арафасида маданият уйи замон талабларига мос тарзда таъмирдан чиқарилди.

Бинони мукамал таъмирлаш, замонавий техник воситалар, ёритиш мосламалари, овоз кучайтиргич, вентеляциялар, электр ёриткичлар каби жиҳозлари учун 170 миллион сўм сарфланди. Янги маданият масканида эндиликда «Чодир жамол» халқ фольклор-этнографик жамоаси, «Нурхон» халқ театри, «Сайқал» рақс ансамбли фаолият юритади.

Иш билганга...

Тошлоқ туманидаги «Мўтабар» хусусий корхонасида тайёрланаётган сут маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда.

Тадбиркор Ҳамиджон Норматов Голландия технологияси асосида ишлайдиган корхонани ишга тушириш учун ўз маблағи ҳамда банкдан олинган кредитдан самарали фойдаланди.

Айни пайтда бу ерда бир кеча-кундузда икки минг литргача сут қайта ишланиб, қатик, творог, пишлоқ, қаймоқ сингари олти турдаги пархез маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Шовот шамлари

«Шовот маиший хизмат буюмлари» масъулияти чекланган жамиятида парафин шамлар ишлаб чиқарила бошланди.

— Янги цех жорий йилнинг май ойида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш туман дастури доирасида ташкил этилди, — дейди корхона директори Рустам Жуманиёзов. — Ўз маблағимиз ҳисобига Хитойдан қиймати 50 миллион сўм бўлган махсус жиҳозлар харид қилдик. Хомашё харид этиш учун имтиёзли банк кредити олинди. Бу корхонада қўшимча равишда яна тўрт иш ўрни яратиш имконини берди.

К. ҲОЗИМБЕТОВ



Мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридан бири — «Фарғонаазот» акциядорлик жамиятида янги тармоқ иш бошлади.

Суратда: «Фарғонаазот» акциядорлик жамияти қошида очилган сода ишлаб чиқариш цехи ишчиси Насиба Ортиқова иш пайтида.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

Тадбир

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлат бюджетининг 2010 йилнинг биринчи ярим йиллиги ижроси якуни тўғрисидаги масала атрофлича ўрганилиб, муҳокама этилди.

Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи раҳбари, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси раиси Б.Алихонов олиб борди.

Диққат марказида: ЭКОЛОГИЯ

Йиғилишда депутатлар томонидан асосий эътибор аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, соғлиқни сақлаш масалаларига йўналтирилган бюджет маблағларидан янада самаралироқ фойдаланишни такомиллаштириш масалаларига жиддий ёндашув зарурлиги юзасидан фикрлар билдирилди.

Шунингдек, тақдим этилган материалларда экологик муаммоларни ҳал этиш, атроф муҳит муҳофазасини таъминлашга ажратилаётган маблағлар ва уларни самарали ишлатиш тўғрисида маълумотлар етарли эмаслиги қайд этилди. Ичимлик сув таъминоти, соғлиқни сақлаш, экологик ва атроф муҳит муҳофазасини таъминлашга йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик, идора ва муассасалар раҳбарлари, мутахассислар, жамоат эксперт гуруҳи аъзолари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Байрам тўғриси

Йўлингиз тушиб, Нарпай томонларга ўтсангиз, Оқтош шаҳрини Мирбозор кўрғони билан боғловчи катта йўлнинг кунчиқар томонида барпо этилган янги гузарга кўзингиз тушади.

Қисқа фурсатда қуриб, фойдаланишга топширилган турар-жойларга Мустақиллик байрами кунларида 51 та ёш оила кўчиб кирди.

Янги уйлар муборак!

Ушбу қурилиш ишларига «Нарпай-Озодабегим» хусусий корхонаси бош пудратчилик қилмоқда. «Нурмон-қурилиш-савдо» ҳамда «Учариқ-меъмор» корхоналари қурувчилари бамисоли қўшқанот бўлиб, иш суръатига суръат қўшаётирлар.

— Эрта баҳорда биратўла 31 та замонавий уйни қуриб беришни зиммаимизга олган эдик, — дейди «Нарпай-Озодабегим» хусусий корхонаси раҳбари Бахтиёр Арзиқулов. — Фойдаланишга топширилган янги уй-жойлар қулайлиги билан эътиборни жалб этади.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Модернизация

Ҳамкорлик самараси

■ Қувасойнинг Чек қишлоғида жойлашган «Ўзбекистон-Кипр» шифер ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашган қўшма корхона раҳбарияти томонидан атроф қишлоқларни ободонлаштириш, корхонада ишлаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўқиши учун шартнома пулларини тўлаб беришдек хайрли ишлар амалга оширилди. Корхона шу кунгача давлат бюджетига 900 миллион сўм маблағ туширди.

— Корхонамизда меҳнаткашларга қулай шароит яратилган, — дейди қўшма корхона таъсисчиларидан бири Мўсин Меҳмонов. — Доимий равишда уларга сут маҳсулотлари тарқатилади. Бепул иссиқ овқат, махсус кийим-бош, барча жиҳозларга эга ювиниш, дам олиш хоналари билан таъминланган. Корхонамиз касаба уюшмаси томонидан дам олдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йил 20 нафардан ортик ходимимиз турли сихатгоҳларда соғлигини тиклаб қайтди. Болажонларнинг оромгоҳларда дам олиши учун ҳам касаба уюшмаси ҳамда корхона маъмурияти томонидан маблағлар ажратилди.

100 га яқин ёшни иш билан таъминлаган қўшма корхона ҳозирда Россия, Кипр ва бошқа қатор МДХ давлатларидаги йирик корхоналар билан шартномаларга эга. Россиялик ҳамкорлар янги корхонани асосий хомашё — асбес билан таъминласа, кипрлик таъсисчи шериклар замонавий технологияларни жалб этишда кўмаклашмоқда. Малакали мутахассислар томонидан назорат қилинадиган дастгоҳларда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати жаҳон андозаларига тўла жавоб беради.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида дастлабки беш корхона иш бошлади

2010 йил август ойининг охирида, Ўзбекистон мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида электроника, автомобил қисмларини ишлаб чиқарувчи, полимер ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлайдиган бешта корхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Дастлабки бешликка рақамли телевидение учун йилига 50 минг донa приёмник ишлаб чиқарадиган «Telecom innovations» қўшма корхонаси ҳам қиради. Ушбу корхона «Ўзбектелеком» аксиядорлик компанияси ва Сингапурнинг «Серветечно Пте.Лтд» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 1,6 миллион долларни ташкил қилади. Янги корхона 30 нафардан ортиқ ёш мутахассисни иш билан таъминлади. Уларнинг аксарияти маҳаллий касб-хунар коллежлари битирувчиларидир.

Шунингдек, полиетилен ва полипропилен қувурлар ишлаб чиқарадиган яна икки завод ҳам ишга тушди. «Полиетилен қувурлари» корхонаси диаметри 75 дан 630 миллиметргача бўлган 8,6 минг тонна полиетилен қувурлар ишлаб чиқаради. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 7,2 миллион долларни ташкил этади. Бу ерда қарийб 70 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, унинг экспорт ҳажми 5,9

миллион доллардан ошади. Йилига 2300 погон километр қувватга эга «Полипропилен қувурлари» корхонаси эса диаметри 16 дан 63 миллиметргача бўлган полипропилен қувурлар ишлаб чиқаради. Лойиҳанинг умумий қиймати 5,2 миллион долларни ташкил қилади. Корхона 40 нафардан ортиқ ёш мутахассисни, хусусан, маҳаллий касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлади. Бу ерда келгусида 50 фоизгача бўлган тайёр маҳсулотни экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Яна бир янги корхона — «UzErgaCable» қўшма корхонаси «Ўзавтосаноат» аксиядорлик компанияси ва Корея Республикасининг «Erga cs Ltd» компанияси томонидан ташкил этилди. Мазкур корхона йилига 150 минг километр автомобил симларини ишлаб чиқаради. Лойиҳанинг умумий қиймати 13,0 миллион долларни ташкил этади. «GM Uzbekistan» заводи учун автомобил жугтларини ишлаб чиқарадиган «ЎзКоджи» қўшма корхонаси ушбу янги корхона ишлаб чи-

қарадиган маҳсулотларнинг асосий буюртмачисидир. Шунингдек, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 20 фоизини Генерал Моторнинг яқин мамлакатлардаги корхоналарига экспорт қилиш кўзда тутилган.

«AgroFresh» корхонаси «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида биринчилардан бўлиб очилган қўшма корхоналар сирасига қиради. Ушбу янги корхона «Markazsanoateksport» ГАВК ва Бирлашган Араб Амирликларининг «Kefayat General Trading» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Қўшма корхона 3000 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш имконини берадиган, ҳарорат газ орқали бошқариладиган, Италиянинг музлатиш ускуналари билан жиҳозланган. Лойиҳанинг умумий қиймати 5,03 миллион долларни ташкил этади. Бу ерда йигирмадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Корхона маҳсулотининг қарийб 50 фоизи экспортга чиқарилади.

Таъкидлаш жоизки, юқорида санаб ўтилган барча ишлаб чиқариш корхоналари замонавий,

юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси 2008 йилнинг декабр ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида биноан замонавий юқори технологияли корхоналарни ишга тушириш, саноат салоҳияти, ишлаб чиқариш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароит яратиш мақсадида ташкил этилган.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудидаги корхоналарнинг асосий фаолияти этиб қуйидаги йўналишлар белгиланган: автомобилсозлик, аниқ машинасозлик, электроника ва электр техникаси, фармацевтика ва тиббиёт буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, пластмассаларни қайта ишлашга замонавий, юқори самарали ускуналар, инноватсия технологияларини жорий қилган ҳолда, кенг турдаги юқори технологияли, экспортга йўналтирилган, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида биноан «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият юритадиган резидентлар учун имтиёз қўрилмаган қулай имтиёз ва преференциялар белгиланган. Бу деярли солиқсиз, имтиёзли валюта режими, шу-

нингдек, чет эллик ходимларнинг мазкур зонада бўлишининг соддалаштирилган тартибини ўз ичига олади.

Бугунги кунда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудуди янги ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритиши учун тайёр ҳолга келтирилган, барча муҳандислик коммуникациялари (ичимлик ва техник сув, канализация, электр энергияси, табиий газ, телефон тармоқлари, автомобил ва темир йўллари) қуриб битказилган.

Маъмурий, банк-молия ва бошқа тегишли хизматларни кўрсатиш учун маъмурий ва молиявий марказ бинолари қурилган. Импорт ва экспорт маҳсулотларни расмийлаштириш ишларини амалга ошириш учун бошхона постининг қурилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Ҳозирги кунда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида 16 лойиҳа амалга оширилмоқда. Айни кунгача 5 корхона иш бошлади. Жорий йилнинг охиригача яна 7 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳалар доирасида энергия тежайдиган лампалар, LCD мониторлар, электрон газ ҳисоблагичлари, тайёр доридармон воситалари, генераторлар, компрессорлар ва «GM Uzbekistan» корхонаси автомобиллари учун ускуналар блоклари сингари замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

(ЎЗА)

Соҳибқирон бобомизнинг «Қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурдирган иморатларга боқинг» деган сўзлари бугун янада жарангдорроқ янграмоқда. Поёнсиз Қизилқум бағридан уран ва олтин қазиб олиш ва қайта ишлашга йўналтирилган Навоий қурилиш бирлашмаси ўтган асрнинг 70-йилларига келиб минтақадаги энг қудратли корхонага айланди. Ишловчилар сонининг 10 мингдан ошганиёқ жамоанинг нечоғлик катта кучга эга эканлигини кўрсатади.

Бунёдкорлик қонимизда бор

Беадоғ Қизилқум барханлари орасида бунёд этилган Навоий, Зафаробод, Учқудук каби бир-биридан кўркам шаҳарларда жамоамиз ишчи-хизматчиларининг бармоқ излари бор. Пойтахтнинг қоқ марказида жойлашган салобатли «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Навоий шаҳридаги аэропорт, Навоий машинасозлик заводи, гидрометаллургия заводи сингари кўплаб бино ва иншоотлар айнан мазкур ташкилот томонидан бунёд этилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бирлашма нуфузини кўтаришга доир қўрилган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, унинг қудрати билан гигант қурилишларга бирин-кетин асос солина бошланди. Вилоят ҳокимлиги биноси,

кўплаб коллежлар, шаҳар чиройига чирой қўшувчи бинолар ана шундай интилишлар самарасидир.

Бирлашма таркибида фаолият юритаётган «2-қурилиш монтаж бошқармаси» ОАЖ, «Механизация тараққиёти» шўъба корхонаси, «Ишлаб чиқариш корхоналари» ОАЖ, «Қурувчи — 2002» каби қатор корхоналаримиз жорий йилда эркин иқтисодий зона барпо этиш, аэропорт қурилиши каби йирик бунёдкорлик ишларини аъло даражада уддалаб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

Бирлашмага тегишли корхоналаримизда меҳнат муҳофазаси қатъий назоратга олинганлиги иш сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Аъзоларнинг турли сихаттоҳларда саломатликларини

тиклаб, моддий ва маънавий рағбатлантирилиши доимий эътиборимизда.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш, уларнинг фарзандларини ёзги болалар оромгоҳида мириқиб дам олишини таъминлаш ҳам қасаба уюшмалари эътиборида. «Маяк» болалар оромгоҳи узоқ йиллардан буён фарзандларимизнинг кўнгилли ва завқли ҳордиқ чиқариши учун хизмат қилиб келаяпти.

Бир сўз билан айтганда, жамоадошларимиз шундай гигант ташкилотда ишлагани ҳамда ана шундай бунёдкор халқ вакили эканлигидан ҳақли равишда фахрланишади.

Ўқтам МАМАЖОНОВ,
Навоий қурилиш бирлашмаси бирлашган қасабақўм раиси

Аср қурилиши «Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон» темирйўлининг фойдаланишга топширилиши истиқлолга эришган юрт қудратининг ҳақиқий намойишига айланди. Бугун йўловчилар ва халқ хўжалиги юклари, қурилиш ашёларининг катта қисми шу йўл орқали ташилмоқда. Пўлат излар ёқасида барпо этилган Дарбанд, Работ, Пулҳоким, Қумқўрғон каби бекатлар, уй-жойлар, маиший ва таълим-тарбия масканлари воҳамиз кўксидидаги шоҳи сўзаналарга қиёслагудек. Бундан ташқари, Термиз шаҳрида қурилиши авж олган ўн минг кишилик ўйингоҳ, замонавий «Бахт уйи», қатор коллеж ва уй-жой мажмуалари, Хонжица тоғ қонидаги бунёдкорлик ишларини айтмайсизми?!

Фахрга лойиқ

Фаолиятимизда иккита тармоқ келишуви ҳамда 90 та жамоа шартномаси муҳим ўрин тутмоқда. Шартномаларнинг 90 фоизи экспертизадан ўтказилган. Уларда кўзда тутилган вазифалар рўй-би тармоқнинг ҳар бир ходимида ўрта ҳисобда 194 минг сўмлик наф келтирмоқда. Келишув ва шартномалар ижроси мунтазам мониторингдан ўтказилмоқда. Бу меҳнат ва дам олиш шароитларининг яхшиланиб, иш ҳақи ва даромадларнинг ошишига таъсир кўрсатаётир.

«Сурхон Осие қурилиштранссервис», «Косон-Термиз», «Сурхон-Термиз-силк», «Сантехгазмонтаж» ҳамда вилоят қурилишида танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази каби жамоаларда ишчи-ходимнинг ижтимоий манфаатлари мустаҳкам ҳимоя қилинмоқда. Иш кўлами ва сифати яхшиланиб, жамоа аъзоларининг фаровонлиги тобора юксалиб бораётир.

Чори БОЗОРОВ,
Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сурхондарё вилоятидаги вакили

«Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» республика танловига



Иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олим Саидилла Фуломов 1976 йили Тошкент шаҳрида туғилган. У Тошкент иқтисодий университетини, Буюк Британиянинг Напиер университетларининг бакалавриати. 2001 йилда Тошкент давлат юридик институтининг магистратура босқичини якунлади. Орадан бир йил ўтиб, шу институтда «Чет эл сармояларининг Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий тартибга солиниши» деб номланган номзодлик диссертациясини ёқлаган бўлса, 2005 йилга келиб «Корпоратив муносабатлар тизимида акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши ва уни такомиллаштириш муаммолари» номли докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Орадан бир йил ўтиб, унга профессор унвони берилди.

— 1997 йил 1 мартдан бошлаб амал қилаётган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси меъёрлари асосан хусусий ҳуқуқ тамойиллари асосида яратилган, — дейди у. — Ушбу тамойиллар фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларини давлат қатъий тартибга солишидан озод этди. Бу юридик шахс сифатида тан олинган, бирлашган маблағ асосида фаолият юритаётган корпорацияларга ҳам тегишлидир. Корпоратив ҳуқуқ эса хусусий ҳуқуқ тизимидаги турли соҳалар:

Юртимизда мулкчилик шакллари ривожланиши хусусий ҳуқуқ мажмуини ташкил этувчи меъёрлар моҳиятини қайта англашга катта таъсир кўрсатди. Хусусан, кўп жиҳатдан хусусий ҳуқуқнинг унсурларини ўзида мужассам этган корпоратив ҳуқуқ тушунчаси оммалашди. Чунки истиқлолгача бўлган давр ҳуқуқшунослигида корпоратив ҳуқуқни ўқитиш назарда тутилмаган ва бу бошқарувнинг маъмурий усулларига мос келмас эди.

Ҳозир эса вазият тубдан ўзгарган. Хусусий, шу жумладан, корпоратив ҳуқуқни ўрганиш давр талабига айланаётганлиги инобатга олиниб, 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб ТошДЮИда корпоратив ҳуқуқ фани махсус курс сифатида ўқитила бошланди. Бунда ЎзФА академиги Ҳожиакбар Раҳмонқулов ҳамда унинг ёш, иқтидорли ва ташаббускор шогирди, юридик фанлари доктори, профессор Саидилла Фуломовнинг ҳам алоҳида хизматлари бор.

Энг ёш профессор

фуқаролик, молия, меҳнат, хўжалик, тадбиркорлик, муаллифлик ҳуқуқлари ва уларнинг институтлари, шунингдек, Ўзбекистонда тан олинган ва миллий ҳуқуқ тизимига киритилган хўжалик ҳамда корпоратив фаолиятни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ меъёрларидан келиб чиққан ҳолда ташкил топади.

Муайян миқдордаги меъёрий ҳужжатлар бўлишига қарамадан, корпоратив ҳуқуқ соҳасида ҳали ҳам тартибга солинмаган муносабатлар мавжуд. Билим ва ахборотлар даражаси ҳозирча хусусий сектор ривожланиши ва ишлаб чиқариш имкониятлари кўламадан орқада қолмоқда. Судялар корпорациялар фаолиятида юзага келган низоларнинг нозик жиҳатларини тўғри ва оқилона ҳал этишда қийинчиликларга дуч келиши мумкин бўлган ҳолатлар бор. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва давлат корхоналарининг хусусийлаштирилиши натижасида хўжалик ширкатлари ҳамда акционерлик жамиятларининг тур-

ли кўринишлари фаолият юритиши ва ривожланиш жараёнининг жадаллашуви



корпоратив ҳуқуқ меъёрлари, уларнинг қўлланиши, юзага келадиган низоларни асосли ва одилона ҳал этишни талаб этади. Саидилла танлаган мавзунинг долзарблиги ҳам ана шунда.

Унинг «Корпоратив ҳуқуқ» (академик Ҳ.Раҳмонқулов билан ҳаммуаллифликда), «Корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий муаммолари: назария ва амалиёт», «Хорижий инвестицияларни жалб

этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий муаммолари», «Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори фаолият юритишининг ҳуқуқий асослари», («Законодательная база инвестиционной деятельности в Республике Узбекистан», Москва. 2001), «Япония-Ўзбекистан: законодательство и законотворческий процесс, система судопроизводства» (Москва. Издательство «ВолК», 2003.) «Халқаро савдо ҳуқуқи» каби 3 та монография, 4 та дарслик, 1 та ўқув

ҳам дунё кезиш, машҳур илмий марказлар фаолияти билан танишишни тавсия қиламан, — деди. — Чунки уларнинг кўпчилиги био ва нанотехнологиялар, инфор- мацион технологияларнинг ҳуқуқий жиҳатлари, қиммат- баҳо қоғозлар бозорининг ҳуқуқий асослари, умуман, қонунчиликни такомиллаштириш ва назариясини бойитишдаги янги, ҳали ўрганилмаган йўналишларда илмий изланиш олиб бормоқда. Улардан 2 нафари Германия, 1 нафари Англия, 3 нафари Япония, 2 нафари АҚШда таҳсил олмақда. Энг фол шогирдларимдан Дамир Валиев ҳозир Гарвард университетининг магистратура босқичига қабул қилинди. Бу ютуқлар мени хурсанд қилиш билан бирга, янада масъулиятли бўлишга ундайди.

Қаҳрамонимиз бу ишлардан ортиб, хусусий юридик фирма ишларида ҳам бошқош. Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Франция, Туркия, Россия, Япония каби давлатлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

— Бир неча йилдан буён олий ўқув юртлари қаторида Фалсафа ва ҳуқуқ институти билан ҳамкорликда фаолият юритиб келаман, — дейди ЎзФА бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Ш.Жўраев. — Мен билган иқтидорли кадрлар орасида Саидилла Фуломов ўттиз ёшда профессор унвонини олишга мушарраф бўлган. Унинг тиришқоқ ва изланувчанлиги ёшларга ўрнак бўлгулик.

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланган Саидилла сингари илмга чанқок, тиришқоқ ва ишбилармон ёшларни кўрганда, мамлакатимиз келажаги ишончли қўлларда эканига яна бир бор амин бўламиз.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Кўп йилдан буён «Ishonch» газетаси мухлисиман. Касаба уюшма тизимида узоқ меҳнат қилганим боис, газета саҳифаларида касаба уюшма фаолияти, ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид материалларни кузатиб бораман. Улардан ҳар бир касаба уюшма аъзоси, ташкилот сардори ўзини қизиқтирган масалага жавоб топа олади. Албатта, бу таҳририят ходимларининг меҳнати самарасидир.

Айниқса, газетанинг пайшанба кунлари чиқадиган сонларини қизиқиб ўқиймиз. Рукнларнинг ранг-баранглиги, мақолаларнинг мазмундорлиги ўқувчи эътиборини тортади.

Шу йилнинг 12 августдаги, 96-сонидан чоп этилган Азизбек Норовнинг «Атиргул фаш этган жиноят» детектив ҳикояси менга бошқача таъсир қилди. Ҳикояда ўзбекона ҳаёт тарзининг европача руҳдаги талқини сезилиб турибди. Кучли реализмга асосланган тасвирлар асарни янада жозибали қилган. Сюжетлар ўқувчида воқеаларнинг якунига бўлган қизиқишни кучайтиради.

Газета саҳифаларида ҳикоя муаллифи тўғрисида тўлиқ маълумот берилса, ажойиб иш бўларди.

Ғолиб ДАВРОНОВ,
Қарши шаҳри

Азизбекнинг орзуси

1990 йилда туғилган Азизбек Норов Қашқадарё воҳасида ижод қилаётган истеъдодли ёшлардан. Газетамизда унинг «Раҳмат сизга, муаллим», «Отажон» деб номланган шеърлари чоп этилиб, 2008 йилги фаол муаллифлар қаторида тилга олинган.

Азизбек инглиз ва рус тилларини яхши билади. Футболга ҳам қизиқади. Қашқадарёнинг «Фаворит-футбол» газетасида кўплаб таҳлилий мақолалари эълон қилинмоқда. «Фонд Форум»нинг «Келажак-пресс» матбуот маркази аъзоси. Ёш истеъдод насрда ҳам яхшигина қалам тебратаяпти. Унинг

«Тақдир измидаги тасо- дифлар», «Оқшом қўйнидаги найранглар» детектив қиссалари, «Атиргул фаш этган жиноят», «Нафс айбдор» ҳикояларини ўқир экансиз, ўзига хослигини сезасиз.

— Таниқли чет эл ёзувчиларининг юздан ортиқ детектив асарларини ўқиб, бу жанрга қизиқишим ошди. Ўзим ҳам шу йўналишда ёзаяпман, — дея изоҳ беради ёш ёзувчи. — Олдимга жиддий мақсад қўйганман. Устозларимдан ўқиб-ўрганиб, халқимизга манзур бўладиган, ҳаётий, реал воқеаларга асосланган асарлар ёзмоқчиман. Айни пайда «Адашган

юрак амри» асари устидан иш олиб бораёпман.

Азизбек «Келажак овози» кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичида наср йўналишида голиб чиқиб, республика босқичига йўл олди.

— Мамлакатимизда ёшларга берилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан ҳар биримиз Ватан равнақиға улуш қўшишимиз керак. Келажакда, аввало, яхши инсон, қолаверса, асарлари чет тилларига ҳам таржима қилинадиган ёзувчи бўлмоқчиман, — дейди ёш ижодкор.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Мустақиллик юртдошларимизга ҳақ-ҳуқуқни англаш, уни қонун асосида амалга ошириш имкониятини берди. Бугун кўпчиликда қонунларга нисбатан ишонч ортиб, ҳуқуқни талаб қилиш кўникмаси шаклланди. Бирор киши бу борада қандайдир муаммага дуч келса, уни ҳал қилиш мақсадида ҳеч иккиланмай тегишли идора эшигини қоқди. Муштарийларимиз масъул идораларнинг жавобидан кўнгил тўлмаслиги боисми, тахририятимизга ҳам мурожаат қилишади. Улар орасида мулкка доир ёки меҳнат ҳуқуқи бузилганидан, шунингдек, расмийликдан норозилик акс этган хатларни учратиш мумкин.

Йил бошидан буён тахририятимизга фуқаролардан 86 та мурожаат тушган. Улардан ҳеч бири эътиборсиз қолдирилмади. Журналист текшируви ўтказилиши шарт бўлган шикоятлар мухбирларимиз томонидан ўрганилди. Аксинча, тегишли идора доирасида ечим топадиган масала бўлса, мурожаат мутасаддиларга ўрганиб чиқиш учун юборилди. Натижада, уларнинг кўпчилиги ижобий ҳал этилишига эришилди. Жумладан, 54 та шикоят тегишли идораларга юборилиб, 10 дан ошдиқ мурожаат муаллифининг муаммоси ечим топди.

Тахририят ходимлари томонидан ўрганилган 23 та мурожаатдан 13 таси бўйича мақола эълон қилиниб, уларда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилиши юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди. Мисол учун, «Қолган ишга қор ёғар», «Аризангни ёз!» каби мақолалар кўплаб муаммолар ечимига хизмат қилди. Қолаверса, Фориш туманида яшовчи И.Очилов ва бошқалар, Нарпай туманидан Х.Хасанов, Ғузор туманидаги 6-умумтаълим мактаби жамоаси, Денов тумани «Ўзгариш» маҳалласида яшовчи А.Хўжамуродов, Қорақўл тумани «Мустақиллик» маҳалласида яшовчи О.Соҳидов каби фуқароларнинг мурожаатлари ижобий ҳал этилганлиги, Шовот қурилиш касб-хунар коллежи ўқитувчиси Қ.Жуманазаров, Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси услубчиси Д.Ашурова, Шаҳрисабз тумани Дукчи қишлоғида яшовчи С.Бобомуродов ва бошқа шикоятчиларга муаммоси юзасидан тушунтириш берилганлиги ҳақида масъул идоралардан жавоб хатлари олинди.

Шикоят муаллифларининг муаммоси ечим топгани, ё бўлмаса тўлиқ ҳуқуқий тушунтириш олганлиги ҳақидаги миннатдорлик мактублари ҳам фикримизни тасдиқлайди. Жумладан, наманганлик А.Абдуллаевдан тиббий меҳнат эксперт комиссияси томонидан ногиронлик гуруҳи нотўғри бекор қилинганлиги ҳақида хат келганди. Ушбу мурожаат Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясига юборилди. Яқинда А.Абдуллаев тахририятга ёзган хатда вилоят бош тиббий меҳнат эксперт комиссияси 1-таркиб мутахассислари ушбу масалада

МУҲИМИ — МУАММОНИНГ ЕЧИМИ

атрофлича тушунтириш беришганини айтиб, мамнунлик изҳор қилган.

Шунингдек, Мирзачўл туманида жойлашган «Хусниддин-Мурсурмон» хусусий корхонаси раҳбари Ф.Сеитовга «Ким зарарга ишлайди?» сарлавҳали мақола чоп этилгандан сўнг маҳаллий идораларнинг тўққинчилиги билан фаолияти тўхтаб қолган мол сўйиш шохчаси қайта иш бошлаганига миннатдорлик билдирган.

Мақола бировнинг обрўсига жиндек бўлсада соя солиш учун эмас, балки йўл қўйилган хатони тўғри ва ҳолисона кўрсатиш, унинг ечими ҳақида фикр юритиш мақсадида ёзилади. Қолаверса, баъзида мақолада кўрсатилган нуқсонларни газетада эълон қилмасдан ҳал қилиш имкони бўлса, шов-шув кўтармасдан уни тегишли мутасаддилар эътиборига ҳавола қилиш ҳам фойда беради. Шунда камчилиги айтилган томон танқиддан ўзига фойдали жиҳатларни олади. Тахририятда тайёрланган «Бир дарсликнинг сарбоғи» мақоласида ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларига мўлжалланган «Ҳуқуқшунослик» дарслигидаги айрим камчиликлар кўрсатиб ўтилган эди. Мақолани чоп этишга шовилмадик. Уни Республика ўрта махсус касб-хунар таълими марказига юборган, жавоб хати билан биргаликда дарслик муаллифи Омина Қаримованинг мактубини олдиқ. О.Қаримова хатида мақолада камчиликлар тўғри кўрсатилганлиги ва китобга синчков муносабатдан хурсандлигини билдириб, дарсликнинг кейинги нашрида буни ҳисобга олишини айтган. Жумладан, «... ўзгаришларни ҳар



йили қайта нашрда кўриб чиқишимизни маълум қилмоқчиман», дея ваъда бериб, хатини «Қани эди, муаммоли масалалар ҳолисона ва атрофлича таҳлил қилинган хатлар кўпроқ келса, нур устига нур бўлур эди» сўзлари билан яқунлаган.

Ё бўлмаса, Сурхондарё вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасига юборилган «Коллеж китоб бозори эмас», халқ таълими бошқармаси эътиборига ҳавола этилган «Директор жамғармаси маблағлари кимларга берилаяпти?» сарлавҳали мақолалар юзасидан керакли чора-тадбирлар белгиланганлигини мутасаддилар хат орқали маълум қилган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

«Ҳуқуқий маслаҳатхона» рўқнида муштарийлар саволларига бериб борилаётган жавоблар ҳеч кимни безътибор қолдирмаяпти. Боиси, уларда кўтарилган масалалар фақат бир кишига тааллуқли бўлмай, унга бошқалар ҳам дуч келиши мумкин. Саккиз ой давомида тахририятимизга 52 киши ўзларини қизиқтирган турли саволларни йўллашди. Уларнинг 200 га яқин саволига газетамиз саҳифаларида ҳуқуқшунос ва мутахассисларнинг жавоблари эълон қилинди.

Айтиш мумкинки, тахририятимизга тақдим этилаётган материаллар орасида ҳуқуқий мавзудагилари салмоқли ўрин эгаллайди. Бу, албатта, халқимизнинг ҳуқуқий соҳада билим ва тушун-

часини кенгайтиришга эътибор кучайганлигини англайди. Шу хайрли ишда газетамиз билан ҳамкорликни йўлга қўйган муаллифларимизга алоҳида миннатдорлик билдирамиз. Шу билан бирга, ҳуқуқий мавзуда келаётган айрим материалларнинг талаб даражасида эмаслигини айтиш ўринли.

қилиши ҳамда асли газета ҳақида тўла тушунчаси бўлмаган ҳуқуқтабларнинг «тўртинчи ҳокимият»дан наҳот тилаши кулгили эмасми...

Бундай жузъий ҳолатларга қарамай, ижодимизга фаол муносабат билдириб келаётган ўқувчиларимиз сафи кенгаётгани кўнгилни кўтаради. Газетамизда

О д д и й ўқувчи тушуниши қ и й и н бўлган мураккаб илмий услубда ёзилганлиги, шунингдек, ҳаётий мисоллар билан асослаб берилмаганлиги учун айримларини чоп этиш мақ-

садга мувофиқ эмас. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят суди судяси Ф.Маматованинг меҳнат шартномаси тўғрисидаги мақоласи қонундан айнан кўчирилган бўлиб, амалиёт билан асослаб берилмаган. Ҳолбуки, бундай фуқаролик ишлари суд фаолиятида кўп учрайди.

Айниқса, солиқ тизими ходимларида тахририятга маълумотномалар жўнатиб, дам-бадам телефон орқали қачон чоп этилишини сўраш одатга айланганини таъкидлаш жоиз. Давлатимизнинг иқтисодий сиёсатини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш уларнинг вазифаси эканлигини яхши тушунамиз. Аммо бундай кўринишда йўл тутиш тўғрими? Қолаверса, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддасида: «Тахририят қонуний асосларда рад этган материални оммавий ахборот воситаларида мажбуран эълон қилдиришга ҳеч қандай эмас» дея белгилаб қўйилганлигини эсдан чиқармаслик керак.

Баъзан айрим муаллифларнинг «мақолам қайси сонда чиқди?», «газетани қаердан топсам бўлади?» каби саволлари ёки умрида газетага қизиқмаган кимсаларнинг шикоятини қўлтиқлаганча тахририятга келиб, ҳуқуқини ҳимоялашни талаб қилиши қуошқонга сиймайдиган ҳолатдир. Ахир, нашрни қизиқиб кузатиб бормаган кишининг ёзганларини чоп этиришни даъво

эълон қилинаётган мақолаларнинг ҳаёти ва фаолиятида жиддий фойда келтираётгани ҳақида ўқувчилардан кўплаб мактублар олаёلمиз. Мисол учун, Қарши туманининг Мангит қишлоғидаги 13-мактаб ҳисобчиси М.Самиева тахририятга йўллаган хатида шундай ёзади: «Газетанинг ҳар бир сонини зўр иштиёқ билан ўқиб бораман. Айниқса, ҳуқуқий саволларга атрофлича берилаётган жавоблар менда катта қизиқиш уйғотаяпти. Уларда ҳуқуқий ҳолатларнинг мисоллар билан асосланилиши масалани осон тушунишга кўмак бермоқда. Тахририятнинг барча ижодкорларини Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этган ҳолда бундай хайрли ишларни келгусида ҳам муваффақиятли давом эттиришда сизларга куч-ғайрат, соғлиқ-саломатлик ва хотиржамлик тилайман».

Шунингдек, кўнғиротлик У.Матрасулов, марғилонлик М.Маҳмудов, сирдарёлик О.Мамадалиева, самарқандлик А.Эргашев сингари кўплаб мухлисларимиз жамоамизни энг улўф байрамимиз билан кутлаб табрик йўллашган.

Газетхонларимиздан келаётган бундай самимий дил изҳорлари қаламқашларга ижодий қувват бағишлайди, албатта. Айни пайтда ўрни келиб қолгани учун газетамизни бундан-да қизиқарли ва мазмундор қилиб чиқаришда қимматли фикр-мулоҳазалари биз учун сув ва ҳаводек зарур эканлигини яна бир бор таъкидламоқчимиз. Нашримиз ҳақида ҳолисона муносабат билдираётган, ибратли ҳаётий кузатишлари, ўйга толдирувчи мушоҳадалари билан ўртоқлашаётган муштарийларимизга миннатдорлик билдирган ҳолда уларнинг сафи янада кенгайишига умид қилиб қоламиз.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
«Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш» бўлими муҳаррири

«Ishonch»ни варақлаб...

ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШИ

Кундалик ҳаётимизни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, ахборотни кенг оммага етказишда матбуотнинг ўрни беқийс. Беш минг нусхадан зиёд китоб тўпланган шахсий кутубхонадан «Ishonch» газетасининг тахлами ҳам ўрин олган.

1991 йилнинг 21 мартдан нашр этиб келинаётган Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг газетаси доимий ҳамроҳим ва маслақдошим. Унинг саҳифаларида кундалик ҳаётимизнинг барча жабҳалари, қасаба уюшма аъзоларининг сермазмун фаолияти кенг ва ишонарли тарзда ёритиб берилмоқда.

Айниқса, меҳнат қонунчилиги бобида танқидий таҳлилий мақолаларнинг мунтазам берилиши ҳар бир юртдошимиз фаолиятида асқотиши тайин. Ҳаётда учраб турадиган камчилик ва нуқсонлар журналистларнинг ўткир нигоҳидан қочмаётгани ҳам қувонарли.

Фурсатдан фойдаланиб, тахририят ходимларига соғлиқ-омонлик тилаб, она юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида хизмат қилишдек шарафли ва муқаддас ишда асло ҳориманг, деб қоламан.

Умрзоқ АБДУНАЗАРОВ,
Баҳмал тумани «Ойқор» қишлоқ фуқаролар йиғини Сойқишлоқ қишлоғида яшовчи пенсионер, халқ таълими аълочиси

Эътироф

«Ishonch» — ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚДА

«Ishonch» газетасини доимо қизиқиб мутолаа қиламан. Кейинги йилларда сеvimли нашримиз фаолиятида туб бурилиш юзига келди, десам муболага бўлмас.

Газетада чоп этилаётган ҳуқуқий савол-жавоблар, қизиқарли лавҳа ва мақолалар бизга жуда манзур бўлмоқда. Шунингдек, қасаба уюшмалари фаолиятига бағишланган туркум саҳифаларни ўқиб, ўзимизга керакли хулосаларни чиқармоқдамиз.

Хуллас, газета кундалик ҳаётнинг нафасидек туюлади. Кези келганда, тахририят жамоасига ижодий илҳом ва баркамоллик тилайман.

«Ishonch» доимо муштарийлар ишончини оқлайверсин!

Хайрулло ВАСИЕВ,
Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши мутахассиси

Сўраган экансиз

Уй-жой учун ҳам ер солиғи, ҳам мулк солиғи олиш-япти, шу тўғрими?

Т. АХМАДЖОНОВ,
Тошкент шаҳри

Солиқ кодексининг 23-моддасида мол-мулк солиғи, ер солиғи алоҳида кўрсатилган. 273-моддага биноан, мулк солиғи бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш объектидир.

Мазкур кодекснинг 288-моддасига биноан, жисмоний шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солиш объектидир:

- 1) деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдирилган, умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;
- 2) якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдирилган, умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;
- 3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган, шунингдек, якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкалари;
- 4) хизмат юзасидан берил-

ган чек ерлар;

5) мерос бўйича, ҳада қилиниши ёки олиниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;

6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

7) тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

Кўп квартиралар уйлар эгаллаган ер участкалари солиқ солиш объекти бўлмайди, ушбу модда биринчи қисмининг 7-бандида кўрсатилганлари бундан мустасно.

Солиқ соҳасида 1-ва 2-гурӯх ногиронларига қандай имтиёзлар бор? Шундай шахсларга қарайдиганларга ҳам имтиёз борми?

Ж. КАРИМОВ,
Ургут тумани

1- ва 2-гурӯх ногиронлари ер ва мол-мулк солиғидан озод қилинади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.

Ҳакамлик судлари

Бугун юртимизда фаолият олиб бораётган ҳакамлик судлари жисмоний



ҳамда юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ, манфаатларини ҳимоя қилишда, улар ўртасида юзага келадиган хўжалик ва фуқаролик низоларини ҳал этишда янги институт саналади. Мазкур институт 2007 йил 1 январдан кучга кирган «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонун ва бошқа тегишли қонун ҳужжатлари асосида иш юритади.

Асосий мезон — муроса

Мазкур қонун асосида 2009 йил май ойида Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси (ЎзХСА) ташкил этилган эди. Жорий йилдан Тошкент шаҳар филиали ҳузурида барча туманларда фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ўз фаолиятини бошлади. Айни дамда дунёнинг 142 та давлати томонидан имзоланган «Чет эл арбитраж қарорини тан олиш ва уни ижро этиш ҳақида»ги (1958 йил) Нью-Йорк конвенциясига 1995 йилда қўшилган республикамизда ҳам судловнинг бундай янги, нодавлат тури амалиётга кенг жорий этилди.

Ҳакамлик суди томонидан нафақат хўжалик, балки фуқаролик ишлари ҳам кўриб чиқилади ва қонуний ҳал этилади. Яна бир алоҳида жиҳат шуки, бунда ишлар тезкорлик билан кўриб чиқилади. Чунки ҳакамлик судида фақат битта инстанция назарда тутилган бўлиб, бошқа судлар каби апелляция, кассация, назорат инстанциялари мавжуд эмас. Асосий мақсад тарафларнинг келишувига йўналтирилади. Яъни, аввало ҳар икки томонни муросага келтириш йўллари изланади, чунки уларнинг яна ҳамкорликни давом эттириши учун ўртадаги муносабатлар сақланиши жуда муҳим.

Ҳакамлик судида фақат суд таркиби ва низолашаётган томонлар иштирок этади. Низоларни кўриб чиқиш якунига кўра, томонлар жиний ҳамда маъмурий жавобгарликка тортилмайди, ҳал қилув қарори эса қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, хўжалик судлари ва фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёки ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Дилшод ОЧИЛОВ,
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳакамлик суди судяси

Ўғлимни безорилик жинояти содир қилганликда айблашяпти. Жабрланувчи енгил тан жароҳати олган. Қўлида таёқчаси бўлган, лекин урмаган. Ярашувга тушадими?

Х. БЕРДИЕВ,
Яккабоғ тумани

Жиноят кодексининг 277-моддасига биноан, безорилик, яъни жамоат жойларида жамоат тартиби қоидаларига қасддан хурматсизлик билдириш, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш, жиддий зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этишдан иборат.

Ушбу кодекснинг 66-1-моддасига кўра 277-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жиноят содир қилинган бўлса, ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Аммо кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (курол сифатида) намойиш қилиб, уларни қўллаш билан кўрқитиб ёхуд қўллаб содир қилса, ушбу модданинг 2-қисми «в» бандида кўрсатилган жиноят содир қилган бўлади. Бу ярашувга тушмайди.

1954 йилда туғилганман, махсус автомобилда битон ташиб асфалт заводларига тарқатаман. Имтиёзли пенсияга чиқишга ҳақим борми?

К. МАҲМУДОВ,
Андижон вилояти

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига кўра, Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатларга мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар, чунончи:

ёшидан қатъи назар пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқариш, муассаса, иш, касб ва лавозимларнинг 1-сонли рўйхати;

умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқариш, муассаса, иш, касб, лавозим ва кўрсаткичларнинг 2-сонли рўйхати;

умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқариш, муассаса, иш, касб, вазифа ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхати.

Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига, шунингдек, уруш ногиронлари, болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари, лилипутлар, паканалар ва экология фалокати минтақасида ишлаган фуқаролар эгадирлар.

3-сон рўйхатга назар ташлаймиз: тоғ-кон саноати ходимлари, ер остида ишловчилар, учувчилар, театр артистлари, спортчилар. Сиз назарда тутган соҳа ходими рўйхатларда кўринмайди.

Касаллик туфайли ногирон бўлиб қолдим. Қандай ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эгаман?

М. РАЗЗОҚОВА,
Сирдарё вилояти

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида (янги таҳрири)»ги Қонунга мувофиқ ногиронларга қуйидаги турлардаги ижтимоий ёрдам кўрсатилади:

пул тўловлари (пенсиялар, нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар);

техника воситалари ёки бошқа воситалар, шу жумладан, автомобиль, ўриндикли арава, протез-ортопедия буюмлари, махсус ҳарфи матбаа нашрлари, овоз кучайтиргич аппарат ва сигнализатор билан таъминлаш;

тиббий, касбий, ижтимоий реабилитация қилиш ва маиший хизматлар кўрсатиш; транспорт хизматлари кўрсатиш;

дори воситалари билан таъминлаш.

Ногиронларга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, бошқа давлат органлари томонидан тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ва тиббий-маслаҳат комиссияларининг хулосалари асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

Ногиронларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, ҳомийлик ва бошқа ташкилотлар томонидан фуқаро-

роларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзгаларнинг парваришига муҳтож ногиронларга туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан уйда ёки стационар муассасаларда тиббий ва маиший хизмат кўрсатилади.

Агар ходим иш берувчининг айби билан ногирон бўлиб қолса ҳамда ўзгаларнинг ёрдамига муҳтож бўлса, унда иш берувчи ногирон меҳнат қобилиятини йўқотган даврда уни тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ёки тиббий-маслаҳат комиссияларининг хулосасига биноан парвариш қилаётган шахсни ўз ҳисобидан таъминлаши ҳамда жабрланган ходимга етказилган моддий зарар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплаши шарт.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Ҳалоллик — тараққиёт пойдевори

Мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тартибини содда-лаштириш, тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама кўмаклашиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий эркинлигини ошириш борасида етарли ҳуқуқий асослар мавжуд. Айниқса, республика экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, реал секторни қўллаб-қувватлаш, халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида бир қатор солиқ имтиёзлари ва қулайликлар барқарор ривожланиш учун мустаҳкам замин яратди.

Бироқ ҳамма ҳам шароитдан ҳалол ва унумли фойдаланавермас экан. Бўлимимиз ходимлари томонидан ўтказилаётган тезкор тадбирларда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, газ ва электр тармоқларига ўзбошимчалик билан улашиб, ҳар хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқараётган яширин цехлар аниқланди. Мазкур цехларни юритаётган фуқаролар билан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳамда кўрсатилган амалий ёрдам натижасида, улар кичик корхоналар мақомида рўйхатга олинми, фаолият қонунийлаштирилмоқда.

Жумладан, А.Ортиқов номидagi ҚФЙ ҳудудида яшовчи Р.Абдураҳмонов ўз уйида автомашина

ўриндиклари учун гилоф тикиш цехини ташкил қилиб, 6 нафар ишчи ёллаб ишлатаётганлиги аниқланди. Тегишли тартибда рўйхатдан ўтмай фаолият юритган цехдан 37 дона гилоф, 6 та тикув машинаси, 500 метрга яқин мато ва бошқа анжомлар далилий ашё тарихида олинди. Ҳуқуқбузар Р.Абдураҳмоновга нисбатан тегишли тартибда жавобгарлик ма-салалари кўрилди. Солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари бошқа мақсадли жамғармаларига тўлиқ тушиши, солиқ базасини кенгайтириш, янги ишчи ўринлари ташкил қилиш мақсадида ўтказилган тарғибот-ташвиқот натижасида у хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. Яширин цех

«Рустам Сервис» хусусий корхонаси сифатида рўйхатга олинишига эришилди. Цехга 10 киши буйруқ асосида ишга қабул қилиниб, ойлик маош билан таъминланди.

Қадим юнон файласуфи Демокрит «Қонунлар уларга итоат этувчиларгагина ўзларининг ижобий томонларини намоян қиладилар», деган экан. Қонунга итоат этиш учун эса уларни яхши билиш ва амал қилиш лозим. Шу мақсадда департамент ходимлари томонидан иқтисодий, солиқ ва валютага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар моҳияти кенг тушунтирилмоқда.

Фулом МАМАДАЛИЕВ,
СВОЖҚДЛҚК
Департаментининг Янгийўл туман бўлими бошлиғи

«...Агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, музика маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий олами ни сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам «Шашмақом» сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади».

И. КАРИМОВ,
«Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридан

Қўшиққа тобингиз қалай?

«Ака, шўхроғидан қўйинг...»

Қарши шахрига қатнайдиган киракаш «Дамас» ҳайдовчиси магнитофон қулоғини буради. Атрофга торнинг ўйноқи жаранги, кейин соҳир овозда айтилаётган мумтоз кўшиқ таралди:

Соғлиқ қадрини бил, хаста бўлмасдан бурун,
Хасталик шукрини қил, токи ўлмасдан бурун...

— Бор экансиз-ку, олдинроқ қўймайсизми?... — деди йўловчилардан бири.

— Гурунларингизни бўлмай дегандим.

— Ака, шўхроғидан қўйинг, — луқма ташлади орқа ўриндиқдаги ёшгина йигит.

— Навбати билан бўлади, ука, эшитиб бораверинг.

— Йўк, тушунмадингиз, замонавий кўшиқчилардан борми, демоқчи эдим.

— Шундан яхшироқ кўшиқчи борми, оғайни, — норози оҳангда тўнғиллади берилиб кўшиқ тинглаётган йўловчи.

Уни бошқалар маъқуллади, луқма ташлаган йигитча ҳам бўш келмади: — Яхшироғи йўк бўлса, ўчирсангиз ҳам майли.

«Дамас»дагилар бири қўйиб, иккинчиси ҳақиқий кўшиқчилик қандай бўлиши кераклиги ҳақида мунозарга киришди. Тўғри, замона зайли, ёшлар фонограммага асосланган, сўзида маза-матра йўк, музикаси қайсидир хорижий хонандадан кўчириб олинган оҳангларга қайишиб ўсапти. Ойнаи жаҳонда онда-сонда жонли ижродаги мумтоз кўшиқ янграб қолса, набираларим ҳафсаласи пир бўлиб: «Бобо, сизнинг кўшигингиз бўлаяпти», дейишларига кўникиб қолганман.

Мухлислар қалбидан жой олган мумтоз кўшиқчилигимиз билан эстрада санъатимизни қарама-қарши

қўйиш фикридан йироқман, аммо...

...Замонавий эстрада юлдузларидан бири қишлоғимизга тўйга келди, фалон минг «кўки»га. Тўй соҳиби олдида чиқди:

— Хуш келибсиз, қадамингизга ҳасанот.

Кўп йиллик қадрдонлардек ҳурматини жойига қўйиб, оёғи остига жонлиқ сўйди. Тўй бошланиш арафасида эса «юлдуз» оёқ тираб туриб олди:

— «Договор»ни олдиндан берма-сангиз, саҳнага чиқмайман.

Қизиқ, нархи анча олдин бичилган бўлса, тўйдан олдин олинди нимау, хизматни қойиллатиб, хонадон соҳибининг розилигидан сўнг олинди нима? Ахир кўшиқ фақат пул учун куйланадими? Санъат кўнгил мулки эканлиги қаерда қолди?

— Тўйларга боришга юрак урмай қўйди, — деди ҳамкасб дўстларимдан бири.

— Нега? — сўрадим мулоҳазаларини охиригача тинглаш ниятида.

— Тўйга фақат қорин тўйдириш учун эмас, кўшиқ тинглаб, дам олиш учун борилади. Ҳозир кўшиқларда маза-матра йўқ ҳисоби. Бир, икки, уч деган сўзни такрорлаб турсангиз ҳам кўшиқ бўлиб қолди. Фалон пулга келган санъаткор чўнтагидан жимитдеккина мини-дискни чиқариб қўяди-да, оғзини ним очиб тураверади. Кўшиқлардан бақир-чақирлардан бошқа нимарса топмайсиз. Аппаратининг гупир-гупири қулоқ-миягни ейди. Илгарилар қандай кўшиқчилар бўларди, тинглаб маза қилардик...

Соҳир овоз сеҳри

...Қишлоғимизда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, марҳум Тожиддин Муродовни кексалар ҳалигача Тожихон деб улуғлашади. У бундай эътирофга қўшни қишлоқдан бўлгани учун эмас, мўъжизакор



санъати билан эришганди.

Олтмишинчи йилларнинг ниҳояси, тўртинчи ёки бешинчи синфда ўқирдим. Отам менга иш буюрар экан:

— Агар топшириқларни яхши бажарсанг, Тожихон келган тўйга олиб бораман, — деб ваъда берди.

Орзиқиб кутилган кун ҳам келди, синфдошларимдан бири:

— Кўшнимизнинг тўйига Тожихон деган артист келармиш, — деб қолди.

У пайтлар ҳозиргидек ижарага тўйма-тўй айланадиган стол-стуллар қаерда, тўй дастурхони ерга тўшалган чодир устига ёзилар, меҳмонлар обрў-эътиборига қараб дастурхон атрофида чордона қуриб ўтиришарди. Бу гал ҳам шундай бўлди, тўй

бошланиб кетди, аммо эл улуғлаган Тожихондан дарак йўк.

— Акам, сен бориб ашула айтиб тур, изингдан етиб бораман, деб мени юборди, — деди оқсоқолларга ҳофизнинг укаси Нуриддин Муродов.

Ҳар ҳолда жим ўтиргандан шуни-си ҳам яхши. Қулоқнинг кирини қоқди. Тўй эгалари Нуриддин акани даврага чиқаришди. Соат тунги ўн бирга яқинлашиб, тўй охирида бора-япти ҳамки, севимли ҳофиз қорасини кўрсатмади.

— Тожихон ҳам бор иҳлосимизни бир тийин қилди, — деди оқсоқоллардан кимдир.

— Энди келса, сўкиб-сўкиб изига қайтариш керак, — деди бошқаси.

Оқсоқоллар гапни бир ерга қўйишди, аммо уларнинг аразлари узоқ давом этмади. Шу пайт содир бўлган воқеа нафақат уларни, балки бутун даврани жahlдан тушириб, соҳир овоз соҳибига бўлган ҳурмат-

ларини ўн чандон оширди. Дастлаб олисдан таниш овозда айтилаётган «Тўйлар муборак» эшитилди, кейин чодирга торини жаранглади чертиб, бор овозида куйлаганича Тожихон кириб келди. У тўхташ нималигини билмас, навбати билан «Кийик», «Ўғилсиз», «Айрилмадим», «Сеғоҳ», «Дугоҳ», хуллас одамлар юрагидан жой олган кўшиқларни ижро этар, овоз кучайтиргичсиз ҳам унинг жарангдор товуши чодирга баралла таралар, кўшиқ сўзлари таъсирига тушган кексаю ёшнинг кўзи милт-милт ёшга тўлганди. Энди даврада:

— Бўш келма, ҳофиз!
— Барака топ, Тожихон!
— Нолаларингдан аканг айлансин,
— деган хайқириқлар янграрди...

Ҳақиқий соз сеҳри, кўшиқ сеҳри ҳақида бундан ортиқроқ сўз тополмадим. Хулосани ўзингиз чиқарарсиз. Тағин, кўшиққа тобингиз қалай, деган саволнинг жавоби ҳам ўзингизга тан, азиз газетхон...

Абдунаби АБДИЕВ

Миллат руҳи

Мутахассисларнинг таъкидлашича, гўдак она қорнидалигидаёқ маълум даражада ташқи муҳит таъсирида бўлади. Демакки, бу жараёнда онанинг қандай ният қилиши, қандай асарлар ўқиши, қандай кино кўриши — барча барчаси чақалоқ ривожланишига ижобий ё салбий таъсир кўрсатади.

Шу маънода боланинг она тилига ҳурмат билан вояга етиши тарбия жараёнидаги энг муҳим жиҳатдир. Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Яқинда хориж матбуоти орқали эълон қилинган қизик бир тажриба натижалари болада она тилига бўлган муносабат у туғилмасдан олдин шаклланиши мумкинлигини исботлади. Буюк Британия университети

психологлари ва Франциядаги ижтимоий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти вакиллари ташаббуси билан ҳомиладор аёллардан бири инглиз, иккинчиси эса кўшимча равишда Филиппин аҳолиси сўзлашадиган тагалог тилини тинглаган. Чақалоқлар туғилгач, уларга 10 дақиқа давомидан инглиз ва тагалог тиллари эшиттирилган. Тиллар ҳар дақиқада алмаштириб турилган. Натижада, биринчи чақалоқ фақат инглиз тилига, иккинчиси эса ҳар икка-

ла тилга эътибор қаратган.

Боланинг «тили чиқиши» халқимизда ўзига хос байрамга айланади. Бироқ собиқ тузум даврида ўз исмидан уялиш «мода» бўлгани учун ҳам Гулноралар «Гуля», Рамзиддинлар «Рамзчик» бўлиб яшади.

Икки йил олдин бир қиз билан танишиб қолдим: нуфузли университет талабаси. Хориждаги коллежда ўқиб келган. Тўртта тилни билади. Жуда ҳавасим келди. Таассуфки, унинг кийиниши, ўзини тутиши,

энг асосийси, ўз она тилида гапиролмаслигини кўриб, ҳавасим ачинишга айланди. Ўзига шуни айтсам, кутилмаган жавоб олдим:

— Ну, я современная девочка... Такое жизнь — это элитарная форма. Ваша логика чересчур примитив...

Миллийлик — ибтидоийлик ёки ўз қобигига ўралиш дегани эмас. У ўзликни англаш, ўзининг кимлигини, ҳаёти мазмунини, аждодларига хос муқаддас йўлни тушуниш, танлаш

ва шундан фахрланиш эканини «современница»га айтган эдим, ўйлаиб қолди. Сўнг оврўпача муҳит таъсирида шунча замонавий билим, технологияларни ўзлаштиришга улгургани, аммо ўзининг теран томирларидан узоқлашганини тан олди. Биз хайрлашар эканмиз, у менга ваъда берди:

— Ишон, мен, албатта, яхши ўзбек қизи бўламан...

Яқинда уни яна учратдим. Рост, танимадим: кийинишидан тортиб ўзини тутишига қадар ўзбекона. У қайта туғилгандай бўлганини, бунинг учун мендан бир умр миннатдор эканини қайта-қайта таъкидлади.

Умида БЎТАЕВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факултети талабаси

Душанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 11.55, 18.00, 15.00, 22.35 «Иқлим».
7.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.50 «Тонги наволар».
8.00 «Тахлилнома».
8.45 - 9.45 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.45 «Бизнинг кутубхона».
10.05 «Олтин оху». М/ф.
10.35 «Менинг оилам».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
11.15 «Рангин дунё».
11.35 «Аёл бахти».
12.50 ТелеТеатр: «Паривашга парвонаман».
14.20 «Ватанпарвар».
15.05 Жаҳон мусикаси хазинасидан. В. Моцарт.
«Барча аёлларнинг қилмиши шундай». 1-қисм.
16.10 «Очун».
16.20 «Эл тинчлиги йўлида».
16.40 «Икки дарё орилигида».
17.15 «Хаёт ва қонун».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Олтин мерос».
18.15 Серил: «Умр манзаралари».
18.55 «Ватан манзиллари».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.10 Серил: «Хаёт жилгалари».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 2010 йил - Баркамол авлод йили: «Мен ёшликман».
21.55 «Қирол ва мен». Т/с.
22.40 «Савдойи изкувар». Т/с.
23.20 - 23.30 «Очун».

Сешанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 12.55, 15.05, 18.00, 22.40 «Иқлим».
7.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.50 «Тонги наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
8.40 - 9.05 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.05 «Болалар дунёси».
9.55 Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси намойиш этади.
10.15 «Қирол ва мен». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.15 Серил: «Умр манзаралари».
11.50 «Ахборот». /инглиз/.
13.00 Серил: «Хаёт жилгалари».

Душанба

07.25 Кўрсатувлар тартиби.
07.30, 13.00, 05.30 «Салом, Тошкент!»
08.20, 19.30, 21.15 Тошкент тароналари.
08.35, 15.35 «Карвонсарой».
08.45 Мультсерил: «Ой боланинг саргузаштлари».
08.55 «Аёл эрки». Т/с 20-қисм. /Яқунловчи/.
09.20 «Париларнинг кузги совғаси». Б/ф.
10.35 «Болаликка қайтиб».
10.55 «Саргузаштлар ороли».
11.15 «Нима учун?» гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар».
11.30 «Бенжи». Б/ф.
13.50 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртамиз эгалари».
14.05 «Дунё» теледастури.
15.00, 18.00, 20.00, 05.00, 07.05 «Пойтахт».
15.15 «Қисмат». Т/с 1 қисм.
15.45 «Пакана бурунбой». М/ф. 1-қисм.
16.30 «Табиат қирралари». Х/ф.
17.00 «Менинг шахрим».
17.25 «06.25 Серил: «Умидингни сундирма»».
18.35 «Кўнгил риштаси». Т/с 59-қисм.
19.45, 21.30 «Телекурьер-маркет».
20.25, 06.20 Бизнес «Пойтахт».
20.30 «Очиқ мулоқот».
21.10, 03.20 «Уйларим».
21.40 «Интервью».
22.00 «Хаёт фалсафаси».
22.20 Эко-«Пойтахт». /рус/.
22.30 «Пойтахт». /рус/.
22.50 «Кино SMS со звёздами».
22.55 «Васаби». Х/ф.
00.25 «Кўрсатувлар тартиби».
00.35 «Дикая оужна Америка».
01.25 Ночной сеанс: «Воскрешая чемпионку». Х/ф.
03.35 Тунги киносеанс: «Бенжи». Б/ф.
05.20 «Тв-монолог».
06.55 «Тошкентнинг илм масканлари».

Сешанба

07.25 Кўрсатувлар тартиби.
07.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
08.20, 19.30, 21.15 Тошкент тароналари.
08.35, 15.35 «Карвонсарой».
08.45 Мультсерил: «Ой боланинг саргузаштлари».
08.55 «Қисмат». Т/с 1-қисм.
09.15 «Интервью».
09.25, 20.30, 02.50 «Уйларим».
09.30, 15.00, 18.00, 20.00, 5.00, 7.05 «Пойтахт».
09.40, 21.05, 06.20 Бизнес «Пойтахт».
09.45, 06.25 Серил: «Умидингни сундирма»».
10.15 «Дурдона».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Дочь Махараджи». Т/с 4-серия.
11.10 «Хаёт фалсафаси».
11.30. Мушкетёр қиз». Б/ф. 1-қисм.
13.50, 05.20 «Тв-монолог».

«Болалар сайёраси»:
13.35 «Флиппер ва Лопака». М/с.
14.20 «Ойдин хаёт». Ток-шоу.
15.10 Жаҳон мусикаси хазинасидан. В. Моцарт.
«Барча аёлларнинг қилмиши шундай». 2-қисм.
16.10 «Тезкор хабарлар».
16.25 «Худудлар хаёти».
16.40 «Икки дарё орилигида».
17.15 «Навоийни англаш».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».
17.50 «Олтин мерос».
18.05 Серил: «Умр манзаралари».
18.40 «Кун мавзуси».
18.50 2010 йил - Баркамол авлод йили: «Камолот оstonаси».
19.10 «Истеъмоли».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.10 Серил: «Хаёт жилгалари».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 «Қишлоқ хаёти».
22.00 «Қирол ва мен». Т/с.
22.45 «Савдойи изкувар». Т/с.
23.25 - 23.35 «Очун».

Чоршанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 15.00, 18.05, 22.35 «Иқлим».
7.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.50 «Тонги наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
8.40 - 9.35 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.35 «Елгончилар қасри». М/ф.
9.50 «Сурнай навоси».
10.00 «Ягона оилада».
10.20 «Қирол ва мен». Т/с.
11.10, 19.20 «ТВ - шифокор».
11.15 Серил: «Умр манзаралари».
11.50 «Кун мавзуси».
12.50 «Истеъмоли».
13.05 Серил: «Хаёт жилгалари».
«Болалар сайёраси»:
13.35 «Флиппер ва Лопака». М/с.
14.20 «Эркин иқтисодиёт».
14.40 «Дунё манзаралари».
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Замин фаройиботлари».
16.00 «Уйла, Изла, Топ!»
16.40 «Икки дарё орилигида».
17.15 2010 йил - Баркамол авлод йили.
«Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.10 «Олтин мерос».

14.05 «Дунё» теледастури.
15.15 «Қисмат». Т/с 2 қисм.
15.45 «Пакана бурунбой». М/ф. 2-қисм.
16.25 Адабий портрет.
16.45 «Табиат қирралари». Х/ф.
17.15 «Мулоҳаза учун мавзу».
17.40 «Фильм ҳақида фильм».
18.20, 06.55 «Химоя».
18.35 «Кўнгил риштаси». Т/с 60-қисм.
19.45, 21.30 «Телекурьер-маркет».
20.20 Эко-«Пойтахт».
20.35 «Инсон матонати». Т/с 88-қисм.
21.40 «Интервью».
22.00 «Фан ва тараққиёт».
22.20 «Репортаж». /рус/.
22.30 «Пойтахт». /рус/.
22.50 «Кино SMS со звёздами».
22.55 «Эдвард-руки ножницы». Х/ф.
00.35 Кўрсатувлар тартиби.
00.40 Эко-«Пойтахт». /рус/.
00.50 Ночной сеанс: «Парк юрского периода». Х/ф.
03.00 «Табиат қирралари». Х/ф.
03.30 Тунги киносеанс: «Мушкетёр қиз». Б/ф. 1-қисм.

Чоршанба

07.25 Кўрсатувлар тартиби.
07.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
08.20, 19.30, 21.15 Тошкент тароналари.
08.35, 15.35 «Карвонсарой».
08.45 Мультсерил: «Ой боланинг саргузаштлари».
08.55, 15.15 «Қисмат». Т/с
09.15 «Интервью».
09.25, 20.30, 03.25 «Уйларим».
09.30, 15.00, 18.00, 20.00, 5.00, 7.05 «Пойтахт».
09.45, 20.20, 06.20 Бизнес «Пойтахт».
09.50 «Фильм ҳақида фильм».
10.10 «Камер оркестрининг концерти».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Дочь Махараджи». Т/с 5-қисм.
11.05 «Репортаж». /рус/.
11.15 «Фан ва тараққиёт».
11.35. Мушкетёр қиз». Б/ф. 2-серия.
13.50, 05.20 «Тв-монолог».
14.05 «Дунё» теледастури.
15.45 Мультсерил: «Кувноқ дүмбоқчалар».
16.05 «Нима учун?» гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар».
16.20 «Саломат бўлинг!»
16.30 «Табиат қирралари». Х/ф.
17.00 «Имтиҳон».
17.20 Серил: «Балойи нафс». 1-қисм.
18.20 «Истеъод».
18.35 «Кўнгил риштаси». Т/с 61-қисм.
19.45, 21.30 «Телекурьер-маркет».
20.35 «Инсон матонати». Т/с 89-қисм.
21.40 «Интервью».
21.50 «Этикод».
22.15 «Репортаж».
22.30 «Пойтахт». /рус/.
22.50 «Кино SMS со звёздами».
22.55 «Дом с приколом». Х/ф.
00.20 Кўрсатувлар тартиби.
00.30 «Дикая Африка».
01.20 Ночной сеанс: «С глаз долой, из чарта вон». Х/ф.

O'zbekiston

18.20 Серил: «Умр манзаралари».
19.00 «Бизнес ва мен».
19.15 «Ифтихор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.10 Серил: «Хаёт жилгалари» (Яқунловчи қисм)
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 2010 йил - Баркамол авлод йили: «Мен ёшликман».
21.55 «Қирол ва мен». Т/с.
22.45 «Савдойи изкувар». Т/с.
23.25 - 23.35 «Очун».

Пайшанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 15.00, 17.35, 22.40 «Иқлим».
7.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.50 «Тонги наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
8.40 - 9.35 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.35 «Цирк, цирк, цирк».
9.55 «Танаффус». М/ф.
10.15 «Қирол ва мен». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.15 Серил: «Умр манзаралари».
11.50 «Ахборот». /инглиз/.
12.55 «Ифтихор».
13.00 Серил: «Хаёт жилгалари» (Яқунловчи қисм)
«Болалар сайёраси»:
13.35 «Флиппер ва Лопака». М/с.
14.20 «Истиқлол фарзандлари».
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Замин фаройиботлари».
15.55 «Тезкор хабарлар».
16.05 «Маҳалла».
16.25 «Мен ёшликман».
16.40 «Икки дарё орилигида».
17.15 «Орт меҳри».
17.40 «Бир жиноят изидан».
18.20 «Олтин мерос».
18.30 Серил: «Умр манзаралари».
19.05 «Кун мавзуси».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.10 Серил: «Беғубор орзулар».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 2010 йил - Баркамол авлод йили.
«Камолот оstonаси».
22.00 «Қирол ва мен». Т/с.
22.45 «Савдойи изкувар». Т/с.
23.25 - 23.35 «Очун».

TOSHKENT

02.50 «Табиат қирралари». Х/ф.
03.35 Тунги киносеанс: «Мушкетёр қиз». Б/ф. 2-қисм.
06.25 «Фильм ҳақида фильм».
06.55 Эко-«Пойтахт».

Пайшанба

07.25 Кўрсатувлар тартиби.
07.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
08.20, 19.30, 21.15 Тошкент тароналари.
08.35, 15.35 «Карвонсарой».
08.45 Мультсерил: «Ой боланинг саргузаштлари».
08.55, 15.15 «Қисмат». Т/с
09.15 «Интервью».
09.25, 20.30, 03.10 «Уйларим».
09.30, 15.00, 18.00, 20.00, 5.00, 7.05 «Пойтахт».
09.40, 20.20, 6.20 Бизнес «Пойтахт».
09.45 Серил: «Балойи нафс». 1-қисм.
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Дочь Махараджи». Т/с 6-қисм.
11.10 «Репортаж».
11.20 «Қора рицарь». Б/ф.
13.50, 05.20 Тв-монолог.
14.00 Жаҳон мусикаси дурдоналари. И. С. Бах». Мусика».
14.05 «Дунё» теледастури.
15.45 Мультсерил: «Кувноқ дүмбоқчалар».
16.05 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Умид юлдузлари».
16.25 «Дурдона».
16.40 «FM-саёҳат».
17.20 Серил: «Балойи нафс». 2 қисм.
18.20 «Ислохот одимлари».
18.35 «Кўнгил риштаси». Т/с 62-қисм.
19.45, 21.30 «Телекурьер-маркет».
20.35 «Инсон матонати». Т/с 90-қисм.
21.05 Бизнинг футбол.
21.40 «Интервью».
21.55 Адабий портрет.
22.20 Эко-«Пойтахт». /рус/.
22.50 «Кино SMS со звёздами».
22.55 «Предложение». Х/ф. /Премьера/
00.40 Кўрсатувлар тартиби.
00.50 Ночной сеанс: «Открытый простор». Х/ф.
03.25 Тунги киносеанс: «Қора рицарь». Б/ф.
06.25 Серил: «Балойи нафс». 1-қисм.

Жума

07.25 Кўрсатувлар тартиби.
07.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
08.20, 19.30, 21.15 Тошкент тароналари.
08.35, 15.35 «Карвонсарой».
08.45 Мультсерил: «Ой боланинг саргузаштлари».
08.55, 15.15 «Қисмат». Т/с 4 қисм.
09.15 «Интервью».
09.25, 3.25 «Уйларим».

Жума

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 12.55, 22.45 «Иқлим».
7.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.50 «Тонги наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
8.40 - 9.35 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.35 «Ёнғоқ новдаси». М/ф.
9.55 2010 йил - Баркамол авлод йили.
«Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
10.15 «Қирол ва мен». Т/с.
10.55, 19.20 «ТВ - шифокор».
11.10 Серил: «Умр манзаралари».
11.45 «Кун мавзуси».
13.00 Серил: «Беғубор орзулар».
«Болалар сайёраси»:
13.35 «Флиппер ва Лопака». М/с.
14.20 «Ўзбекистон - умумий уйимиз».
14.50 «Дунё манзаралари».
15.15 «Олам ва одам» дастури: «Замин фаройиботлари».
16.05 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
16.25 «Хаёт кўшиги».
16.40 «Икки дарё орилигида».
17.15 «Саломатлик дастури».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».
17.50 «Сизнинг адвокатингиз».
17.55 Серил: «Умр манзаралари».
18.30 «Ўзингни асра».
18.50 «Минг бир ривоят».
18.55 «Хидоят сари».
19.15 «Ифтихор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.10 Серил: «Беғубор орзулар».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 «Буюк аждодларимиз».
22.05 «Қирол ва мен». Т/с.
22.50 «Савдойи изкувар». Т/с.
23.30 - 23.40 «Очун».

Шанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 Миллий кино: «Забаржад». 1-қисм.
7.45 «Тонги наволар».
8.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Бизнинг кутубхона».
9.00 «Бўрининг саргузаштлари». М/ф.
9.50 «Ифтихор».
9.55 «Кўнгилга йўл».
10.35 «Минг бир ривоят».
10.40 «Хидоят сари».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 1.«Рангинкамон». 2. «Дидар».

09.30, 15.00, 18.00, 20.00, 5.00, 7.05 «Пойтахт».
09.40, 21.05, 06.20 Бизнес «Пойтахт».
09.45 Серил: «Балойи нафс». 2-қисм.
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Дочь Махараджи». Т/с 7-серия.
11.10 Бизнинг футбол.
11.20 Жаҳон мусикаси дурдоналари. И. С. Бах». Мусика».
11.25 «Нью-Йоркдаги лаҳзалар». Б/ф.
13.50 «Ислохот одимлари».
14.05 «Дунё» теледастури.
15.45 Мультсерил: «Кувноқ дүмбоқчалар».
16.05 «Ибрат».
16.30 «Табиат қирралари». Х/ф.
17.00 «Этикод».
17.20 Серил: «Балойи нафс». 3-қисм.
18.20 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртамиз эгалари».
18.35 «Кўнгил риштаси». Т/с 63 қисм.
19.45, 21.30 «Телекурьер-маркет».
20.20 «Кадр ортида».
20.35 «Таянч нуқтаси».
21.40 «Интервью».
21.50 Тв-монолог.
22.00 «Дилдаги гаплар».
22.30 «Пойтахт». /рус/.
22.50 «Кино SMS со звёздами».
22.55 «Месть пушистых». Х/ф. /Премьера/.
00.25 Кўрсатувлар тартиби.
00.30 Ночной сеанс: «Отпуск по обмену».
02.35 «Дикая планета».
03.30 Тунги киносеанс: «Нью-Йоркдаги лаҳзалар». Б/ф.
05.20 Тв-монолог.
06.25 Серил: «Балойи нафс». 2 қисм.

Шанба

07.25 Кўрсатувлар тартиби.
07.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
08.20, 19.30, 21.15 Тошкент тароналари.
08.35, 15.35 «Карвонсарой».
08.45 Мультсерил: «Ой боланинг саргузаштлари».
08.55 «Қисмат». Т/с 5 қисм.
09.15 «Интервью».
09.30, 15.00, 18.00, 20.00, 5.00, 7.05 «Пойтахт».
09.40 Бизнес «Пойтахт».
09.45 Серил: «Балойи нафс». 3-қисм.
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Дочь Махараджи». Т/с 8-қисм.
11.05 «Все о туризме».
11.35 «Болливуд маликаси». Б/ф.
13.50 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртамиз эгалари».
14.05 «Дунё» теледастури.
14.55 «Қонун доирасида».
15.15 «Қисмат». Т/с 6-қисм.
15.45 Мультсерил: «Кувноқ дүмбоқчалар».
16.05 «Дилдаги гаплар».
16.40 «Санъатимиз хазинасидан».
16.55 «Мулоҳаза учун мавзу».
17.20 Серил: «Балойи нафс». 4-қисм. /Яқунловчи/.
18.00 «Афиша».

12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.05 Серил: «Беғубор орзулар».
13.40 «Камолот оstonаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Минг бир маслаҳат».
14.40 «Иқлим».
14.45 «Азизим».
15.15 «Метро: учинчи йўл». Б/ф.
16.45 «Кунларнинг бирида».
«Болалар сайёраси»:
16.55 «Уйла, Изла, Топ!»
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
18.00 «Иқлим».
18.05 «Хаёт тилсими».
18.20 «Саломатлик сирлари».
18.45 «Бахшиёна».
18.50 «Шўрданақ». Хажвий кўрсатув.
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.10 Серил: «Беғубор орзулар».
20.45 «Кўнгил кўшиқ истаиди».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Катта вальс». Б/ф.
23.25 - 23.35 «Очун».

Якшанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 Миллий кино: «Забаржад». 2-қисм.
7.45 «Тонги наволар».
8.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Урмон эртақлари». М/ф.
9.10 «Табассум».
9.45 «Очиқ дастурхон».
10.20 «Саломатлик сирлари».
10.40 «КиноТеатр».
11.05 «Ойдин хаёт». Ток-шоу.
11.50 «Кунларнинг бирида».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.05 Серил: «Беғубор орзулар».
13.40 «Хаёт тилсими».
13.55 «Иқлим».
14.00 «Орзулар майдони». Б/ф.
«Болалар сайёраси»:
15.50 «Болалар дунёси».
16.20 «Сехрланган бола». М/ф.
17.05 «Аяжонларим». В/ф.
17.55 «Иқлим».
18.00 «Сайёҳатга марҳаб!»
18.20 «Рангин дунё».
18.45 «Оханрабо».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома». /рус/.
20.10 Серил: «Беғубор орзулар».
20.45 «Кўнгил кўшиқ истаиди».
21.00 «Тахлилнома».
21.45 «Заковат».
22.45 «Таътилдаги саргузаштлар». Б/ф.
00.10 - 00.20 «Очун».

18.15 «Кадр ортида».
18.30 «Истеъод».
18.50 «FM-саёҳат».
19.45, 21.30 «Телекурьер-маркет».
20.30 Очиқ мулоқот.
21.40 «Интервью».
21.55 «Афиша». /рус/.
22.10 «Экономическое ревью».
22.30 «Пойтахт». /рус/.
22.50 «Кино SMS со звёздами».
22.55 Индийское кино: «Я принадлежу тебе». Х/ф. 1-қисм.
00.25 Кўрсатувлар тартиби.
00.30 Индийское кино: «Я принадлежу тебе». Х/ф. 2-қисм.
02.00 «Дикая Австралия».
03.00 «Табиат қирралари». Х/ф.
03.35 Тунги киносеанс: «Болливуд маликаси». Б/ф.
06.25 Серил: «Балойи нафс». 3 қисм.

Якшанба

07.25 Кўрсатувлар тартиби.
07.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
08.20, 19.30, 22.00 Тошкент тароналари.
08.35 Мультсерил: «Ой боланинг саргузаштлари».
08.45 «Карвонсарой».
08.55 «Афиша».
09.10 «Қисмат». Т/с 6-қисм.
09.30 «Пойтахт».
09.40 Серил: «Балойи нафс». 4-қисм. /Яқунловчи/.
10.20 «Химоя».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Афиша». /рус/.
11.05 «Кўл бўйидаги уй». Б/ф.
12.40 «Истеъод».
13.55 «Дурдона».
14.10 «Нима учун?» гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар».
14.25 «Мулоҳаза учун мавзу».
14.50 «Кадр ортида».
15.10 «Саргузаштлар ороли».
15.35 «Болаликка қайтиб»

Душанба

06.00, 16.10 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Қалпоқ». Ҳажвия.
07.00 «Мультипанорама».

Сешанба

06.00, 16.10, 01.20 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Қалпоқ». Ҳажвия.
07.00 «Мультипанорама».

Душанба

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Саломат бўлинг».
06.30, 08.00, 18.45, 21.45 Хабарлар.

Сешанба

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Саломат бўлинг».
06.30, 8.00, 18.45, 21.45 Хабарлар.

Душанба

07.00, 09.00, 10.05, 13.10, 17.10, 18.00,
19.30 Узбек наволари
08.00 Серил «Завтра наступит сегодня»

Душанба

07.00, 09.00, 10.05, 13.10, 17.10, 18.00,
19.30 Узбек наволари
08.00 Серил «Завтра наступит сегодня»

Сешанба

07.00, 07.40, 09.00, 10.40, 13.30, 17.10,
18.10, 19.30 Узбек наволари
07.30 Prime time (рус)

12.10 «Император аёл». Т/с.
13.10 «Муъжизавий дунё».
14.00 «Куз эртаги». Т/с.

Чоршанба

06.00, 16.10, 1.20 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Қалпоқ». Ҳажвия.
07.00, 16.50 «Мультипанорама».

14.55 «Мураббий».
15.10 Теннис. АКШ очик чемпионати Аёллар. Финал.

Чоршанба

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Саломат бўлинг».
06.30, 08.00, 18.45, 21.45 Хабарлар.

18.30 «Жозиба».
19.05 Бокс. Халқаро турнир. Финаллар.
19.50 Формула-1. Италия гран - приси.

08.00, 14.30, 18.30 Серил «Мухаббат асираси»
09.30 Серил «IRIS»
11.30 «Аферисты Дик и Джейн» худ-фильм

Чоршанба

07.00, 09.00, 10.40, 13.30, 17.10, 18.00,
19.30, 20.30 Узбек наволари
08.00, 14.30, 18.30 Серил «Мухаббат асираси»



YOSHLAR

23.40 «Аждар жанги». Б/ф.
02.30 «Ака-ука Гримм». Б/ф.
04.30 «Тараннум».

Пайшанба

06.00, 16.10, 01.20 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Қалпоқ». Ҳажвия.
07.00 «Мультипанорама».

Шанба

06.00 «Тонгги парвоз».
06.30 «Қалпоқ». Ҳажвия.
07.00 «Мультипанорама».

Жума

06.00, 16.10, 1.20 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Қалпоқ». Ҳажвия.
07.00 «Мультипанорама».



SPORT

Пайшанба

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Саломат бўлинг».
06.30, 08.00, 18.45, 21.45 Хабарлар.

13.35 Баскетбол. Жаҳон чемпионати,
15.00 Стол теннис. Европа чемпионати.

18.25 «Военное дело».
19.05 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси.
20.45, 22.00 «Саломатлик хазинаси».

Жума

06.00 «Хайрли тонг!»
06.05 Анонс.
06.10 «Саломат бўлинг».

TV-MARKAZ

20.50 Серил «IRIS»
22.00 «ПЛЕЗАНТВИЛЬ» худ.фильм
00.20 Миксер

Пайшанба

07.00, 07.40, 09.00, 10.40, 13.50, 18.10,
19.30 Узбек наволари
07.30 Prime time (рус)

Шанба

07.00, 07.40, 10.30, 14.30, 17.40, 18.10,
19.35 Узбек наволари
07.30 Prime time (рус)

07.30 «Ёшлик наволари».
07.50, 19.30 «Кумуш». Т/с.
08.40 «Автопатруль».

06.00 «Тонгги парвоз».
06.30 «Қалпоқ». Ҳажвия.
07.00 «Мультипанорама».

08.20 Евроголлар.
08.45 Биринчи бутунжаҳон жанг санъати ўйинлари.

13.35 «Жаҳон спорти юлдузлари - Михаль Шумахер». Хужжатли фильм.

18.30 «Шижоат».
19.05 Евроголлар.
19.30 «Ўзбекистон спорти».

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Саломат бўлинг».
06.30, 08.00, 21.45 Хабарлар.

13.35 Баскетбол. Жаҳон чемпионати.
15.10 Стол теннис. Европа чемпионати.

23.40 Миксер

Жума

07.00, 09.00, 10.40, 13.10, 17.10, 18.00,
19.30 Узбек наволари
08.00, 14.30, 18.30 Серил «Мухаббат асираси»

07.00, 07.40, 10.30, 14.30, 17.40, 18.10,
19.35 Узбек наволари
07.30 Prime time (рус)

15.00 «ИСКУССТВЕННЫЙ РАЗУМ» худ-фильм
18.00 Prime time (рус)
19.00 «Топ-10»

16.10 «Тошкент илҳомлари».
16.20 «Болалар табассуми».
16.30 «Бўлажак генерал».

06.00 «Бугун».
06.30 «Қалпоқ». Ҳажвия.
07.00 «Мультипанорама».

17.30 ХАБАРЛАР.
17.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.

18.00 «Спортчилар оиласи».
19.05 «Спорт - менинг ҳаётим».
19.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Спорт - менинг ҳаётим: С Каспулатова».

18.00 «Спортчилар оиласи».
19.05 «Спорт - менинг ҳаётим».
19.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.

13.05 Спорт экранни: «Қутилмаган шўхрат».

15.00 «ИСКУССТВЕННЫЙ РАЗУМ» худ-фильм
18.00 Prime time (рус)
19.00 «Топ-10»

07.00, 11.00, 13.50, 18.10, 21.00 Узбек наволари
09.00 Мультифильм
10.30 «Baby Terra Landiya»

Үйинчоқ эрмак эмас

Үйинчоқ эрмак эмас, у бола учун дунёнинг кичрай-тирилган кўринишидир. Бола ўйнаётган, меҳр кўйган үйинчоғи орқали атроф-муҳит, одамлар, маънавий мезонларни тасаввур қилади.

Тарбияшуносликда үйин боланинг етакчи фаолияти экани исботланган. Болалар үйинларини үйинчоқларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Азалдан үйинчоқнинг тарбиявий аҳамияти, унга қўйилган талаблар педагоглар, тиббиёт ходимлари, руҳшунослар томонидан ўрганилган, тадқиқот ишлари олиб борилган ва ишлаб чиқариш учун тавсиялар берилган. Ҳақиқатан ҳам, үйинчоқларнинг тарбиявий аҳамияти, унга қўйилган талаблар педагоглар, тиббиёт ходимлари, руҳшунослар томонидан ўрганилган, тадқиқот ишлари олиб борилган ва ишлаб чиқариш учун тавсиялар берилган. Ҳақиқатан ҳам, үйинчоқларнинг тарбиявий аҳамияти, унга қўйилган талаблар педагоглар, тиббиёт ходимлари, руҳшунослар томонидан ўрганилган, тадқиқот ишлари олиб борилган ва ишлаб чиқариш учун тавсиялар берилган.

Президентимиз И. Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида «...Ҳар қайси гўдак илк бор оламни ўз атрофидаги буюмлар, жумладан, үйинчоқлар орқали англашнинг инобатига оладиган бўлса, уларнинг инсон тарбиясидаги ўрни беқиёс экани аён бўлади. Ҳақиқатан ҳам, үйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам ҳеч шубҳасиз,

унинг болаликда қандай үйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади», деб таъкидлайди.

Шундай экан, бу мавзу ҳақида долзарблигини йўқотмайди. Ҳўш, бугун болажонлар қандай үйинчоқ ўйнапти?

Шаҳина Каримбоева, 5 ёш:

— Менга кўпроқ Барби кўғирчоқлари ёқади. Улар жуда ҳам чиройли. Катта бўлсам, худди шунақа чиройли бўламан. Ойижоним яқинда менга кийимлари кўп ва ўз уйига эга бўлган Барби кўғирчоғини оверлади. Барбилар ҳақидаги мултифилмлар ҳам бор. Боғчадан келганимдан кейин уларни томоша қиламан.

Унинг синглиси уч ёшли Зарина Каримбоева ҳам «Барби билан бирга ухлайман, унга ўхшаган қиз бўламан», дейди.

Жажжигина қизалоқларнинг бундай фикрлашига қараб беихтиёр келажак

авлоднинг қандай бўлишини тасаввур қиламан.

Маълумки, қизалоқлар кўғирчоқни чақалоқ деб қабул қилади. Онасига тақлид қилиб, «боласи»ни тергайди, у билан дилдан суҳбатлашади, бирга ухлайди.

Энди тасаввур қилинг, бўйи етган, пардоз-андозни меъеридан оширган, сочлари ёйилган кўғирчоқни қизалоқ қандай ўйнайди? Унга нималарни ўргатади? Аксинча, «камолга етилган» кўғирчоқ қизалоққа таъсир қилмайдими?

Ўғил болаларга мўлжалланган үйинчоқларнинг аксарияти ҳам жангариликни тарғиб қилади.

Болажонларни бундай кўринишдаги маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиб, таннархи арзон кўғирчоқ ва үйинчоқлар ишлаб чиқариш даркор. Бу үйинчоқлар орқали болалар ўзлигини англайди. Бола насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб боради. Бу эса, ўз навбатида, болаларни келгусида Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда яхши самара беради.

Дилдора ЖУМАНИЕЗОВА



Фарзандингизнинг орзу ва мақсадлари ҳақида охири марта қачон суҳбатлашганингизни эслай оласизми? Эслай олмасангиз, ўзингизни қийнамай, вақтим бўлмайпти, дея очиғини айтиб қўяверинг. Ишдан яримта гапни ҳам кўтаролмайдиган даражада ҳориб келасиз. Кўзларингиз чарчоқдан юмилай-юмилай деб турган пайтда болангизнинг саволларига жавоб бериш ёқармиди?.. Лекин кунли келиб мана шу ҳафсаласизлик ўзингизга қимматга тушиши мумкинлигини ёддан чиқарманг.

Алла айтинг, аяжон!

Дилдора опа билан ҳамкасб бўлганим учун оиласида кўп маротаба бўлганман. Мазкур мақоланинг ёзилишига ҳам ана шундай суҳбатларнинг бири туртки бўлди. Қизалоғи Диёра эндигина 5 ёшга тўлган бўлишига қарамасдан жуда зийрак қиз. У атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг сабабига жуда қизиқади. Журналист опа билан бирга ишдан қайтарканмиз, аввало, Диёрани олиш учун болалар боғчасига қайрилдик. Кун бўйи бир-бирини кўрмаган она-бола чуғурлашиб, суҳбатга тушиб кетишди. Мен эса жимгина уларнинг суҳбатига қўлоқ тутаман...

Диёра йўл-йўлакай қип-қизил бўлиб пишган гилосларни кўриб онасига деди:

— Ойижон, гилос пишибди, келинг, узиб оламиз.

— Қизим, бу бировнинг ҳовлисидаги дарахт. Унинг мевасини эгасидан сўрамасдан ейиш одобдан эмас. Яхшиси, бозордан сотиб оламиз.

Шу орада Дилдора опа ёнидан ўтиб кетаётган қўшни аёл билан саломлик қилди. Бу ҳол уйга етгунча бир неча бора такрорлангач, Диёра:

— Нега ҳаммага «Ассалому алайкум» дейсиз? Бу нима дегани?

— Биласанми, қизим, «Ассалому алайкум» — «Сизга соғлик ва тинчлик тилайман» дегани. Салом бериш орқали кишининг қандай тарбия топганлиги ва одобини билиб олиш мумкин. Кичиклар ўзидан ёши катталарга биринчи бўлиб салом бериши керак. Шунда уларнинг юзларида табассум пайдо бўлиб: «Умрингдан барака топ, ота-онангга раҳмат, болам», дея дуо қилишади.

— Ойижон, унда мен ҳам катталарга салом бериб, уларнинг дуосини оламан. Айтганча, Қиммат ёмон қиз экан-а?

— Буни қаердан билдинг, қизим?

— Бугун боғча опамиз «Зумрад ва Қиммат»ни ўқиб берди. Зумраднинг одобли, Қимматнинг эса дангаса эканлигини билиб олдим. Мен ҳам энди Зумрадга ўхшаш яхши қиз бўлиб, уй ишларида сизга ёрдам бераман.

— Раҳмат, қизим. Бу сўзларинг мени жуда қувонтирди. Мана уйга ҳам етиб келдик. Энди кийимларимизни алмаштириб, чой ичамиз. Сўнгра тишларимизни тозалаймиз.

— Ойижон, бугун боғчамиздаги бир боланинг тиши оғриб йиғлади, кейин ойиси келиб олиб кетди. Боғча опамизнинг айтишича, унинг тишини қариес ебти. Қариес нима ўзи? У менинг ҳам тишларимни ейдимми?

— Албатта, йўқ. Қариес кўп ширинлик ейдиган, эрталаб ва кечқурун тишларини юймайдиган болаларда бўлади. Тишининг биринчи душмани қариесдир. Унинг ёрдамчилари эса, тиш кири ва кичик дарз. Олдин тиш кири пайдо бўлади. Агар у тозаланмаса тишда кичкина дарз кетган жойлар пайдо бўлади. Тишга вақтида ёрдам берилмаса, ковакка айланади. Кейин тиш оғрий бошлайди.

Кел, яхшиси, мен сенга Соғломтиш ҳақида яхши эртақ айтиб бераман.

Бор экан-у йўқ экан, узоқ эмас, яқинда битта кундуз яшаган экан. Уни ҳамма Соғломтиш деркан. Кундузнинг тишлари ростдан ҳам ҳайрон қоладиган даражада қаттиқ, оппоқ ва биттага қариессиз экан. Нега деганда, у тишларини ҳар кун эрталаб ноуштадан сўнг ва кечқурун овқатдан кейин яхшилаб ювар экан. Соғломтиш қулишни жуда яхши кўрар экан. Чунки оппоқ тишли кундузга табассум қилиш жуда ярашар экан-да. Агар сен ҳам тишларингга яхшилаб эътибор берсанг, қариес сени ҳеч қачон безовта қилмайди.

— Соғломтишга жуда ҳавасим келаяпти? Менинг ҳам тишларим уникадек бўлиши учун нима қилишим керак?

— Бунинг учун сут, қатик, пишлоқ ва творог ейиш керак. Чунки уларда тишларни соғлом ва бақувват қилиб ўстирадиган калций моддаси бўлади. Мева, сабзавотларда эса тиш эмаллини мустаҳкамлаб, уни қариесдан сақлайдиган витаминлар бор.

Овқат еб бўлгач, Диёра ойиси айтганидек тишларини ювиб келди. Бироз кўғирчоқларини ўйнагандек бўлди-ю, ҳеч қанча вақт ўтмай: «Ойижон, уйкум келаяпти, алла айтиб беринг», деб қолди.

Дилдора опа қизалоғига ширин тушлар кўришини тилаб, алла айта бошлади:

Ишонмасдан еру кўкка, Оғушимда аллалай.

Юзларингга тиниқ кўзгу, Кўзларингдан айланай.

Алла, болам, алла-ё.

Соф осмонда маъсум боққан

Тўлин ойдир йўлдошим.

Меҳринг билан ловуллаган

Кўксимда сен қўёшим.

Алла, болам, алла-ё.

Нафасингга қалбим тўйиб

Майин-майин куйлайман,

Дилбар тунда кўриб, ёрқин

Тонгларингни ўйлайман.

Алла, болам, алла-ё.

Ой ҳам сенга термулади,

Бошинг узра мен — онанг,

Ер сени деб айланади,

Олам сенинг парвонанг,

Алла, болам, алла-ё.

Диёрабону ухлагач, Дилдора опа менга юзланади.

— Кўрдингизми, бу унинг бир кунлик саволлари, эртага уни яна бошқа саволлар қизиқтиради. Унинг камол топишида атроф-муҳит, кўғирчоқ ва үйинчоқларнинг ҳам аҳамияти катта. Уларни танлаётганимда мантиқан фикрлашга ўргатадиган, қўл ҳаракатларини ривожлантирадиган, дунёқарашнинг шаклланишига хизмат қиладиганларига алоҳида эътибор бераман. Аям ҳақида «Болаларим, ёмонлик ҳаммининг қўлидан келади, аммо сиз доим кечиримли, тўғриси бўлинг, имкон борича одамларга яхшилик қилинг» деб ўргатган. Бир-бирини қизиқ эртақ ва афсоналарни ҳикоя қилиб беради. Мен ҳам фарзандимни шундай тарбиялашга ҳаракат қиламан.

Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси, «Ёшлар» телеканали «Давр» ахборот дастурлари муҳарририяти муҳаррири Дилдора Холмировавнинг хонадонидан чиқар эканман, қулоғим остида унинг алласи жаранларди.

Алла, болам, аллаё...

Назира БОЙМУРОВА.
Муаллиф олган суратлар

Болангизнинг энг яқин дўсти

Баъзан кўча бўйлаб баҳайбат үйинчоқ кўтариб кетаётган ўспирин йигит-қизларга кўзимиз тушади. Ҳозир туғилган кунларда шундай үйинчоқ туҳфа этиш ёшлар ўртасида урфга кирган. Бироқ бу туҳфанинг асосий жойи шкаф тепасидир.

Рухшунослар катта үйинчоқларни ёш болаларга тақдим қилишни тавсия қилишмайди. Чунки ёш бола уни кўтара олмайди, шу туфайли бирга ўйнаши анча қийин кечади. Ёш боланинг кўғирчоғи бўй-бастига мос бўлиши керак. 7 ёшгача бўлган болалар үйинчоғининг оғирлиги 400 граммдан, ўлчами 15-59 см. дан ошмаслиги лозим.

Ёрқин ранглар кўпчиликка ёқади, бироқ кўзга ташланадиган кўғирчоқларни кўп харид қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки уларнинг бўёғи таркибида кўрғошин, кадмий каби заҳарли моддалар бор. Шунингдек, тўқ қора ёхуд қизил каби ранглар болага салбий таъсир кўрсатади. Оч ранглар эса руҳиятга айнан мосдир.

Рухшунослар фикрича, 4 ёшгача бўлган болалар атрофидаги ҳамма нарсани, жумладан, кўғирчоқларни ҳам ўз яқинидек биладилар. Шунинг учун болангизни ўйнаётган кўғирчоғи йўқолмаслигига эътибор беринг. Қулоғи йўқ, териси титилиб кетган қуёнчасини зинҳор ахлат идишига ташламанг (яхшиси, ямаб беринг!). Акс ҳолда энг яқин дўстининг йўқолганига чидай олмаган фарзандингизда кучли стресс ҳосил бўлади. Эски кадрдонининг ўрнини яп-янги үйинчоқ ҳам, турли ширинликлар ҳам боса олмайди.

Гигиена талабларига кўра, юмшоқ үйинчоқлар ойига бир марта ҳаммомда «ювинишлари» керак. Чунки уларнинг таркибида турли ҳашарот, чанглар узоқ вақт сақланиб туриши ҳар хил юкумли касалликлар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш учун вақти-вақти билан юмшоқ айиқча-ю қуёнчаларни музлаткичга қўйиш керак. Ҳайвончалар «териси»да сақланаётган паразитлар 18 даражада 2-3 соат давомда ўлади.

И. ТОҲИРОВ

Хар қандай молия ташкилотининг олға силжишида, кўрсаткичларининг юқори бўлишида, бозордаги мавқеини мустақамлашда, албатта, хизмат кўрсатиш тармогининг кенглиги, филиал ва мини банкларнинг барқарор фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият касб этади.

Банкнинг ресурс база-си юқорилиги, кредит портфели тўғри диверсификацияланиши, истиқболли даромад манбаларининг ўрганилиши ҳамда миждозларнинг қатъий талабларига жавоб берадиган кенг доирадаги банк хизматларини таклиф қила олиши, филиалга молия-кредит хизмати бозорида пешқадамлик ва виллоятнинг иқтисодий секторини ривожлантиришда кўмаклашиш имконини берди.

Самарқанд виллоятда банкнинг 2 та филиали мавжуд бўлиб, уларга қарашли 8 та минибанк, 6 та жамғарма, 7 та коммунал ва 2 та махсус касса мавжуд. Банк шохобчалари нафақат шаҳар, балки туманларда ҳам очилган бўлиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Мини банкларни ташкил этиш, аввало, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолиятини жонлантиришга, шунингдек, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳолининг сифатли банк хизматларига бўлган талабини қондиришга қаратилган. Филиалларда ҳозирги кунда 4253 нафар миждозга хизмат кўрсатилмоқда.

Филиал томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш бўйича ҳам бир мунча ишлар қилинди. Хусусан, банк томонидан хўжалик юритувчи субъектларга 214 дона терминал ўрнатилган. 32 минг 574 дона пластик карточка эмиссия қилинган бўлиб, бу, асосан, Самарқанд ша-

хар газначилигига қарашли бюджет ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади. Банк пластик карточкалар бозоридаги пешқадамлик мавқеини ушлаб, карточка эгаларига нақдсиз шаклда кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтирмоқда.

2010 йил 1 июл ҳолатига кўра банкнинг кредит қўйилмалари 22,2 млрд.

дир берилди. Шунингдек, инвестицион мақсадлар ва айланма маблағларни тўлдириш учун 6 млрд. 301 млн., янги ишлаб чиқаришни ишга тушириш, фаолият юритаётганларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш учун 1 млрд. 136 млн., хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси учун 1

млн. сўмга қурилиш монтаж ишлари бажарилган. 2010 йил давомида Ипотека банк Самарқанд виллоятдаги филиаллари кичик бизнес субъектларига 9 млрд. 576 млн. сўм миқдоридаги кредит ажратилган бўлиб, шундан ўз маблағлари ҳисобидан 7 млрд. 802 млн. сўм кредит берилган.

2009-2012 йилларда саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш ҳудудий дастур бўйича банк томонидан 2010 йил давомида 12 лойиҳага 860,3 млн.

млн. сўмга қурилиш монтаж ишлари бажарилган. 2010 йил давомида Ипотека банк Самарқанд виллоятдаги филиаллари кичик бизнес субъектларига 9 млрд. 576 млн. сўм миқдоридаги кредит ажратилган бўлиб, шундан ўз маблағлари ҳисобидан 7 млрд. 802 млн. сўм кредит берилган.

2009-2012 йилларда саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш ҳудудий дастур бўйича банк томонидан 2010 йил давомида 12 лойиҳага 860,3 млн.

қилиб, иқтисодиёт субъектларини кредитлаш учун ресурс базасини кенгайтирмоқда ва унинг банкдан ташқари айланишини қисқартирмоқда.

Натижада, 2010 йил 1 июл ҳолатига кўра жами аҳоли омонатлари 4 млрд. 958 млн. сўмни, шундан муқддатли омонатлар қолдиғи 1 млрд. 366,2 млн. сўмни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2010 йил 1 январ ҳолатига нисбатан жами омонатларга нисбатан 304,3 млн. сўмга ёки 6,5% га кўпайган. Аҳолидан жами тўловлар миқдори 8 млрд. 80,9 млн. сўмга етди. 2009 йил 6 ой давомида жами тўловлар 4 млрд. 602,8 млн. сўмни ташкил қилган эди. Яъни, бу кўрсаткич 75,6 фоизга кўпайган.

Аҳолига хизмат кўрсатувчи мини банклар ва жамғарма кассалар тармогининг самардорлигини кўтариш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жамғарма (коммунал, махсус) кассалар орқали қўшимча банк хизмати турлари жорий этиб борилди. Жумладан, банкнинг жамғарма кассалари уяли алоқа телефонлари ва интернетдан фойдаланиш учун тўловларни қабул қилиш хизматларини таклиф қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича Республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2009 йил якунлари бўйича тижорат банклари ўртасида ўтказилган танлов якунларига кўра, унинг асосий номинациялари бўлмиш — «Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича шаҳар ҳудудидаги йилнинг энг яхши банк филиали» номинациясида Самарқанд виллоят филиали III даражали дипломга сазовор бўлди.

Фулом ЮСУПОВ,
журналист

ИПОТЕКА BANK

Ипотека банкнинг Самарқанд виллояти филиалида

миждозларга хизмат кўрсатиш тармоғи кенгаймоқда

сўм бўлиб, шундан узоқ муқддатли кредитлар 12,4 млрд. сўмни ёки кредит портфелининг 56 фоизини ташкил қилади.

Шу йилнинг ўтган даврида банк томонидан жами 18,3 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат товарларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги 2009 йил 26 январдаги қарорига асосан 1 млрд. 272 млн., «Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги 2009 йил 28 январдаги қарорига асосан 566 млн., «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазиқларини амалга оширишга 5 млрд. 755 млн. сўм кре-

млрд. 401 млн., аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 1 млрд. 629 млн., микрокредитлар учун 3 млрд. 782 млн. сўм қарз ажратилди. Ушбу кредитлар ҳисобидан 216 та янги иш ўрни яратилди.

Масалан, 2010 йил июл ойида «Ўзкомбинат» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасига ветеринар-кимё препаратлари ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олишга 2 млрд. 64 млн. сўм миқдорида узоқ муқддатли кредит ажратилди. «Сино» ОАЖга музлаткичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 6 йил муқддатга жами 3 млрд. 400 млн., «Golden Oil» МЧЖга ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш учун 3 йил муқддатга 1 млрд. 885 млн. сўмлик қарз берилди. Бундан ташқари, «Бахт-Р» хусусий корхонасига АЁҚШ очиш учун 606 минг 860 АҚШ доллари миқдоридаги банк кафолати тақдим қилинди. Шунинг-

шундан ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 66 та оилага 1 млрд. 270 млн. сўмдан зиёд ипотека кредитлари ажратилган.

Шунингдек, жами 254 та жисмоний шахсга берилган истеъмол кредитлари миқдори 495 млн., жорий йил бошидан буён эса 48 та жисмоний шахсга берилган истеъмол кредитлари суммаси 85 млн. сўмдан зиёдни ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 2009 йил 10 ноябрдаги Баённомасига асосан Самарқанд шаҳрининг Бўстонсарой кўчасида 48 хонадонли (1-қавати савдо мажмуаси) турар-жой ва ёш оилаларга 32 хонадонли 4 қаватли турар жой бинолари қурилиши олиб борилапти. 48 хонадонли турар жой биносига 3 млрд. 483 млн. сўм кредит маблағи ажратилган бўлиб, 3 млрд. 600

сўмлик кредитлар ажратилиши кўзда тутилган эди. Ўтган ярим йил мобайнида 6 лойиҳага 470 млн. сўм ажратилди ва 31 та янги иш ўрни яратилди.

Ҳозирда виллоят тадбиркорларига бизнес фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Ана шулардан бири — кичик бизнес субъектларини J-USBP дастури бўйича микрокредитлашдир. Филиалда ушбу дастур бўйича микрокредитлаш бўлими фаолият кўрсатиб келмоқда. 2010 йил давомида бўлим томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида миллий валютада 4 млрд. 910 млн. сўмдан ортиқ миқдорда 68 та миждозга 290 минг АҚШ доллари (399 млн. сўм эквиваленти) миқдорида маблағ ажратилган.

Банк аҳолининг бўш пул маблағларини жалб

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Яққасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 6-«А» уйда жойлашган «Яққасарой тумани Давлат солиқ инспекцияси» тасарруфидаги 1996й. и/ч д/р 10AP051, бошланғич нархи 4 301 000 сўм бўлган «Эсперо»; Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани, Университет кўчаси, 2-уйда жойлашган Тошкент давлат техника университети тасарруфидаги 1997й. и/ч д/р 10AC012, бошланғич нархи 3 512 000 сўм бўлган «Дамас»; 1996й. и/ч д/р 10AS573, бошланғич нархи 2 422 000 сўм ва д/р 10AS566, бошланғич нархи 2 538 000 сўм бўлган иккита «ВАЗ-21061»; 1999й. и/ч д/р 10AS027, бошланғич нархи 3 483 000 сўм бўлган «ГАЗ-3110»; Тошкент шаҳар Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 38-уйда жойлашган «Қишлоқ қурилиш банки» ОАТБ тасарруфидаги 2003й. и/ч иккита д/р 01/126КАА, бошланғич нархи 9 301 000 сўм ва д/р 01/127КАА, бошланғич нархи 7 522 000 сўм бўлган «ГАЗ 3221311»; русумли автотранспорт воситалари ҳамда Тошкент шаҳар, Мирзо

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК

2010 йил 14 октябрь куни аукцион савдоларини ўтказди

Улуғбек тумани, Бешоғайнилар кўчасида 50-уй ёнида яқка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, сатҳи 0,03 гектар бўлган, бошланғич нархи 3 312 000 сўм бўлган ер участкаси мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қўйилади. Ер участкаларини савдога тайёрлаш билан боғлиқ муҳандислик-геодезия ва лойиҳа ишларини бажаришга сарфланган харажатлар бошланғич нархларга қўшилмаган ва харажатлар харидорлар томонидан қопланади.

Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Буортма қабул қилиш автотранспорт воситаларига савдо кунидан бир кун аввал, ер майдонларига савдо кунидан уч кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун автотранспорт воситаларининг бошланғич нархидан камида 20 фои-

зи миқдорида, ер майдонларининг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдорида закатлат пули «РОУТАХТ АУКСИОН»ДУК АТИБ «Ипотекабанк»нинг Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади.

Автотранспорт воситаси савдолари қолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муқддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закатлат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузугунга қадар тўлаб бериш шартлари юқлатилади.

Мазкур объектлар юқорида белгиланган савдо кунидан сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А»-уй. Алоқа телефони: 233-23-49, факс: 233-23-40,

Электрон почта P-A_DUK@mail.ru Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникасининг д/р 10AE218 бўлган «УАЗ-3962» — 1 150 000 сўмга; Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари харақатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментининг д/р 10ТН258 бўлган «Волга ГАЗ 31105» — 10 230 000 сўмга, Паркент тумани давлат солиқ инспекциясининг д/р 10/272JAA бўлган «Тико» — 3 650 000 сўмга, Ўзбекистон Республикаси Президенти апа-

рати Ишлар Бошқармаси автохўжалигининг «ГАЗ-31029» русумли 5 та д/р 01/337PPP — 3 420 000 сўмга, д/р 01/374PPP — 1 700 000 сўмга, д/р 01/355PPP — 2 430 000 сўмга, д/р 01/354PPP ва д/р 01/365PPP — 2 550 000 сўмга ҳамда д/р 01/399PPP бўлган «Нексия» 4 400 000 сўмга, д/р 10AQ567 ва д/р 10AV118 бўлган иккита ДЭУ«Лабо» хар бири 2 980 000 сўмга, д/р 01/361PPP бўлган «Тико» — 3 160 000 сўмга, д/р 01/283PPP бўлган «Супер Салон» — 5 400 000 сўмга, д/р 10AQ554 бўлган «УАЗ-330301» — 2 750 000 сўмга, д/р 10AN032 бўлган «УАЗ-3962» — 1 550 000 сўмга, «ГАЗ-3102» русумли иккита д/р 01/319PPP — 3 360 000 сўмга, д/р 01/362PPP — 3 760 000 сўмга, Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Moddiy-Texnik Ta'minot Boshqarmasi»нинг иккита «ГАЗ-31029» русумли д/р 10BA927 — 2 800 000 сўмга, ва д/р 10AV884 — 2 980 000 сўмга ва д/р 10AV883 бўлган «Дамас» — 5 700 000 сўмга сотилди.

Ошхонада тушлик қилаётгандим.

— Бу жой бўшми? — деди кимдир. Ёнимда бир йигит турарди.

— Бўш, ўтираверинг... Чой қуйиб узатдим.

— Йўқ, раҳмат, раҳмат! Айтдим, олиб келишади.

— Олинг, қўлимни қайтарманг.

Пиёлани оларкан, секингина «раҳмат» деб қўйди. Нигоҳларини бир нуқтага тикканча иссиқ чойни хўплай бошлади.

Юзи қуёшда қорайган, бўйнида қандайдир чандиқ, қоп-қора сочларини орқага силлиқ қилиб тараган, жиддий қиёфали, билаклари чайир, оппоқ қўйлаги топ-тоза, дид билан дазмолланган. Йигитни кузатарканман, «анча қийинчилик кўрганга ўхшайди» деган фикр хаёлимдан ўтди. Анча қараб қолган эканман, еётган сомсасини оғзига олиб борганча тўхтаб, бир қараб олди. Ўнғайсиз аҳволда қолиб, нигоҳимни бошқа тарафга қаратдим.

Гаплашмасдан овқатлана бошладик. Нотаниш ҳамроҳим нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю гапирмади. Чамаси мен билан суҳбатлашмоқчи-ю, гапни нимадан бошлашни билмай турарди. Ўртадаги ўнғайсиз вазиятни юмшатиш учун ўзим гап бошлашни маъқул топдим. Бу йигитни университетда бир-икки кўргандай эдим. Шунинг учун:

— Университетимизга ўқитувчи бўлиб келдингизми? — дея сўрадим. Йигит бироз сукут қилиб турди-да, синиқ жилмайди.

— Йўқ, талабаман, биринчи курс...

— А? — унинг жавобига унчалик ишонмадим. — Э, аспирантми?

— Йўқ, бакалавр, — жилмайди у, — ҳайрон бўлаясиз-а? Бу табиий. Ёши йигирма саккизда бўлса-да, ундан-да катта кўринадиган одамнинг энди университетга кириб, кундузги бўлимда ўқишини ким хаёлига келтирибди.

У бироз жим бўлиб қолди. Сўнгра:

— Қизиқиб қолдингиз-а, ҳаммаю таажубланиши аниқ. Адашмасам, сиз бу университетда дарс берасиз? Бир-икки марта кўргандайман, — деди.

— Ҳа, ўзбек филологиясида ҳаҳон адабиётидан дарс ўтаман. Ёзувчилигимиз ҳам бор.

— Ўтмишимни сизга гапириб берсам, адашмасам керак. Зора, ичимда азоб бераётган дардларни тўкиб енгил тортсам. Бирор ҳикоя-пикоя қилиб юборарсиз. Балки кимларгадир сабоқ бўлар...

Саъдулла ёлғиз фарзанд. Отаси тракторчи, онаси уй ишлари билан банд эди. Ўқиган мактабида математика ўқитувчиси йўқ, бу фандан тарих муаллими дарс ўтарди. Унинг орзулари осмон эди. Математика фа-

култетига кириб, ўз мактабида шу фандан дарс беришни ният қилганди. Мактабни битиргач, уни Тошкентга ўқишга олиб боришди. Бир қариндоши университетда ишларди. Имтиҳонгача тайёрлашини айтиб, олиб қолди. Ота-онаси қайтишаётганда, йўлда... Унга хабар беришганда ҳуши бошидан учди. Ўзига келганда амакисининг машинаси қишлоққа кириб келарди...

Шу кундан адашган йўловчидай бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. Бир неча кун гарангсиз юрди. Суюнган тоғларидан ажралган, барча орзулари чил-чил бўлган, яшайдан маъни йўқдай эди... Қариндошлар далда бўлди. Кичик ўғли билан яшайдиган бобоси кўчиб келди. Емагини амакисининг хотини Фотима янга келиб қилиб берадиган бўлди. Отасининг эски тракторини юргизди. Далада ишлаб бироз овуниди. Ота-онасининг барча маъракаларини ўтказди. Орадан йил ўтиб, ўзига кела бошлаганда...

Қишнинг бошлари. Қаҳратон совуқ. Молхона деворини кўтариб қўйган, ишлари кўпайиб ёполмаганди. Тоғ қишлоғида яшайдиган тоғасидан ёпишга тирак сўраганди. Кесиби қўйган, олиб келиш керак. Кеча тоғаси қор ёғиб қолмасдан олиб кетсин деб хабар юборибди. Шу кунларда керосин танқис эди. Бирор жойда йўқ. Тополмагач, ўзи ёлланиб ишлайдиган Аброр фермердан сўраганди, экинни экишга етмай қолса, мен қаердан топаман, деб рози бўлмади. Бор-йўғи ўн литрни қизғонди. Уйда бочкалаб туради. Тагин йил — ўн икки ой даласидан бери келмай ишлабди. Алам қилди.

Қоронғу тушгунча қаердан топсам экан деб ўйланиб ётди. Охири «э, бор-э» деб қўлига челақни олди-ю, йўлга тушди. Бир челақ билан қамайиб қолармиди. Қанча меҳнатини сингган.

Фермернинг ишчилари кечгача ишлаб, уйларига кетарди. Бу совуқда ҳеч ким қоровул бўлиб қолишни истамасди. Соғлиқ керак. Техникаларни чайла ёнига тўплаб, бирорта эски қийимними, кўрпачаними керосин солинган челаққа солиб, ёқиб кетишади. У эрталабгача атрофига ёруғлик таратиб, ёниб туради. Бирор киши гараз ният билан келса ҳам, одам бор экан, деб яқинлашмайди.

Саъдулла бундан яхши биларди. Шунинг учун беҳавотир йўлга тушди. Қирдан ошган ҳам эди, уни бошқа нарса қийнай бошлади. Ёлғиз фарзанд

бўлишига қарамай, ота-онаси уни талтайтириб юбормаган, яхши тарбия берганди. Энг муҳими, тўғри ва ҳалол бўлишни, бировнинг нарчасига кўз олайтириш гуноҳ эканлигини қайта-қайта ўқитарди. Виждони қийнала бошлади. Бор-э, деб қайтмоқчи ҳам бўлди-ю, тоғасининг гапини эслади.

Хаёли турфа кўчаларга кириб чиқиб, челақни тўлдирди. Уни ерга қўйиб бакни ёпаётганда қўли намланганини сезди. Қор ёғаяпти. Ишқилиб тезроқ тугасинди. Эртага терак-

йўлакдан керосин бир чизиқ бўлиб тўкилиб келиб, тўғри гаражга кириб кетганди. Кечаси эйтибор бермасдан тешик челақни олиб кетибди...

— Йўқ, мен, бир сатилгина...

Бобосининг қаҳрли нигоҳларига кўзи тушиб, ортиқ гапирмади.

Шундан сўнг гаражни очиб кўрсатдим фермер ишонмади. Гаражда челақдаги қолган керосин ҳам тўкилиб, кўллаб қолибди. Фермер инсофсиз чиқди. Бошқа йўқолган нарсалариниям унинг бўйнига илди. Тўламаса, милицияга топшириб юборишини айтди. Соғин сизгирини сотиб базур кутулди. Бундан унча ўйлаб ўтирмади. Уни бошқа нарса қийнардди.

Ўғри деган ном олди. Кўчага чиқолмай қолди. Чикса одамлар қўлини бигиз қилиб ўғри келаяпти дегандай бўлаверади.

Инсон оғир меҳнатдан ёки етишмовчиликдан қийналганда бу қадар

ди. Улар мўъжазгина кафеда учрашишди. Умирида ичкиликни оғзига олмаган Саъдулла аламдан бостириб-бостириб ичди. Бор дардини тўкиб солди. Хусниддиннинг юзида ҳамдардлик аломати эмас, севинч жилваланди бўлди. Лекин Саъдулла бунга эйтибор бермади...

Бир маҳал Хусниддин ўрнидан туриб, чўнтагидан рўмолчасини олганди ичидан қандайдир ялтироқ қутича ерга тушиб кетди. У бунга эйтибор бермай «мен ҳозир» деганча ташқарига йўналди. Саъдулла энгашиб, қутичани қўлига олганда Хусниддиннинг қораси кўринмасди. Қолгани бир зумда содир бўлди. Хусниддиннинг ўрнига формали одамлар пайдо бўлиб, ҳужжатини кўрсатгани-ю, машинага солиб олиб кетишгани... Ўзига келганда терговчининг ёнида ўтирарди. Қутича қандайдир таъқиқланган модда бор экан. Ўзини оқлашга шунча ҳаракат қилди. Бўлмади. Бўлган воқеани рўй-рост айтадиган дўсти шу пайтда ёнида йўқ эди. Судгача Хусниддинни кутди. Келмади. «Кўзимга қарашга юзи чидамаётган-да, мен тужайил шундай бўлди деб», ўйларди у. Ниҳоят келди. Лекин у бутунлай бошқа Хусниддинни кўрди. Ишонгани, яқин дардқаши панжаранинг бу тарафидан масхаралагандай деди:

— Мана шу кунни интизорлик билан кутгандим-а. Ферузани сен қанчалик севсанг, мен ундан кам яхши кўрмаганман. Фарқи

сен очикча айтардинг, мен айтолмай ёнардим. Қандай бўлмасин Ферузага етишишни ўйлардим. Бугун мақсадимга етдим. У энди «жиноятчи»га тегадими ё ўқимишли одамга?..

У илжайиб узоқлашди.

— Ҳа, айтгандай, яқинда тўйим, — у нимадир эсига тушгандай хурсанд бўлиб кетди.

Чўнтагини қовлаб таклифнома олди. Бироз каловланиб туриб, менга қаради. Мақсадини тушуниб, исмиمنى айтдим. Ёзиб узатди.

— Тўй ота уйимда бўлади. Келин ўша Феруза. Автохалокатдан сўнг ота-онаси уни ўз ихтиёрига қўйиб берибди. Мана, тўй бошлаб юборди. Албатта боринг, Энди бораё. Фирмада қиладиган анча-мунча ишлар бор эди. Омон бўлинг.

Кўл бериб хайрлашиб, ўрнидан турди. Ташқарига чиқа туриб, остонага қоқилиб мункиб кетди. Ўзини ўнглаб олгач, менга қараб жилмайди. Ҳа, дея ўйланиб қолдим. Турфа сўқмоқларни босиб ўтиб, шу даражага етиб келибдими, бу ёғига қийналмайди. Муҳими, ўз йўлини топгани...

Сўнг... Бобосининг

казо қилганини эшитди.

Вақт ўтиб қалбидаги нафрат олови аста-секин сўниб борди. Ота-онасини ўйлади. Улардан ягона ёдгор ўзи эди. Тўхматга қолиб ишончини оқлай олмади. Қамокдан чиққач, ўтмишни унутиб бошқача яшайман деб ният қилди.

У ёруғ кунлар қадрига панжара ортида етган, бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдириш бегойдалигини билганди. Бошига шу кунларни солганларнинг жазосини Аллоҳнинг ўзи бериб турган бўлса...

Амнистия шарофати билан муддатидан олдин қамокдан чиқди. Аммо қишлоқда кўп тура олмади. Шаҳарга кетди. Ушанда ота-онаси олиб келган амакисиникига борди. Амакиси бир дўсти билан учраштирди. У одам катта фирмаси бор тадбиркор экан. Яхши одам чиқиб қолди. Дастлаб оддий ишчиликка олди. Ҳисоб-китобга қизиқишдан хабар топгач, фирманинг баъзи ҳисоб ишларига масъул қилиб қўйди. Ишонгача киргач, фирмани унинг қўлига топширди. Шунга ҳам етти йил бўлибди. Қўярда-қўймай ўқишга ҳужжат топширтирди. Тайёрлайдиган ўқитувчи ҳам топиб берди. Яна омади келиб, синовдан муваффақиятли ўтди. Шартнома пулини фирма тўлаб берадиган бўлди...

Саъдулла ҳикоясини тугатганда, оғзига тикилганча қотиб турардим.

— Шунақа гаплар, устоз, — деди кулимсираб. — Қийналиб-қийналиб мана энди ўз йўлини топгандайман. Қишлоқдаги уйимизни сотиб, шаҳардан ҳовли сотиб олмоқчи эдим, ота-онангнинг руҳи чирқирайди, деб қариндошлар рози бўлмади.

— Тўғри қилибсиз. Ота уйини сотиш яхши эмас.

— Ҳа, айтгандай, яқинда тўйим, — у нимадир эсига тушгандай хурсанд бўлиб кетди.

Чўнтагини қовлаб таклифнома олди. Бироз каловланиб туриб, менга қаради. Мақсадини тушуниб, исмиمنى айтдим. Ёзиб узатди.

— Тўй ота уйимда бўлади. Келин ўша Феруза. Автохалокатдан сўнг ота-онаси уни ўз ихтиёрига қўйиб берибди. Мана, тўй бошлаб юборди. Албатта боринг, Энди бораё. Фирмада қиладиган анча-мунча ишлар бор эди. Омон бўлинг.

Кўл бериб хайрлашиб, ўрнидан турди. Ташқарига чиқа туриб, остонага қоқилиб мункиб кетди. Ўзини ўнглаб олгач, менга қараб жилмайди. Ҳа, дея ўйланиб қолдим. Турфа сўқмоқларни босиб ўтиб, шу даражага етиб келибдими, бу ёғига қийналмайди. Муҳими, ўз йўлини топгани...

Салим АБДУРАҲМОН

Йўул

Ҳикоя

ларни олиб келиши керак. Орта қайтди. Май-далаб ёғаётган қор ҳовлисига етай деганда тўхтади. Челақни гаражга қўйиб, уйга кирди. Қўлла-ри музлаб қолган, совуқдан дир-дир титрарди. Тўрда ухлаётган бобосини уйғотиб юбормаслик учун чироқни ёқмай чўғи милтиллаб турган печка ёнига тўшалган кўрпачага ўтирди. Бобоси бир қимирлаб қўйди. Тахмондан авайлаб ёстиқ ва кўрпа олиб, ўринга чўзилди.

Эрталаб ғала-ғовурдан уйғониб кетди. Кўча эшиқда кимдир бобосига бақирарди. Аброр фермер! Билибди! Қандай билган бўлса...

Шошиб ташқарига чиқди. Юраги қинидан чиққудай дукурлаб урарди.

— Ҳа, ўғри! Керосинни тун бўйи уйингга ташиб, мириқиб дам олаёсанми? Муттаҳам. Бундан одам деб қўлимда ишлатиб юрибман-а.

— А... Мен... — Саъдулла бундан нарига ўтолмасди.

— Ҳали мен ўғирламадим дерсан? — Овозини баттар баланглади фермер. — Бу нима? — от устидан пастга ишора қилди у. — Энди тонмасан.

Саъдулла ерга қаради. Тунги қордан намланган

ўйланмайди. Лекин ўз қилмиши тужайил одамларнинг кўзига кўринишдан қочиш... Бу оғир эди. Пана-панада йиғлаб оладиган бўлди. Айниқса, кейингиси ошиб тушди.

— Ўғрига қизимни бермайман! — совчиликка борган аммаларини шу гап билан қайтарганди Ферузанинг отаси Қосим тегиримончи. Синфдоши Феруза билан кўнгул беришган, қиз тиббиёт коллежида ўқирди. Бу гап Саъдулланинг кўксига ўқдай қадалди. Лекин ундан хафа бўлиб ҳам ўтирмади. Ўз тақдирдан ўқинди. Суюқлисини олиб қочиб кетишни ният қилди. Лекин Феруза кўксига бош қўйиб йиғлаганча унинг бу қарорига розилик бермади. Ота-онасининг юзига ҳеч қачон оёқ қўймаганини, розилигини олгандан кейингина тўй қилишини айтди.

Уйига бир алфозда келган Саъдулла шу дақиқаларда ким биландир дардлашини истарди. Хаёлига синфдоши Хусниддин келди. У билан болаликдан тепалашиб катта бўлган. Унга барча сирларини айтар, қаттиқ ишонарди. Хусниддин тиббиёт институтида ўқирди. Олдига боришини телефонда айтиб, шаҳарга — ўқиш жойига кел-

Касаба уюшма тадбири

Байрам шукуҳи

Меҳнаткашларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни спортга ошно этиш, шу йўл билан саломатлигини янада мустаҳкамлаш касаба уюшма ташкилотларининг муҳим йўналишларидан биридир.

Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган хотин-қизлар ўртасидаги волейбол турнири ҳам шу мақсадга йўналтирилган.

— Албатта, турнир опа-сингилларимизга юксак кайфият улашади, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси Ш.Авазбадалов. — 200 дан ортиқ ҳаваскор волейболчилар ўзаро куч синашди.

Яқунда таълим ва фан ходимлари жамоаси биринчи, маданиятчилар иккинчи ўринни банд этишди. Учинчи ўрин Агросаноат мажмуи ходимлари жамоасига насиб этди.


Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Шахрисабз шаҳридаги Беруний номидаги оромгоҳда Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг анъанавий спартакиадаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллиги ҳамда Баркамол авлод йилига бағишланган спорт тадбирида тармоқ ходимлари енгил атлетика, шахмат,

бўйича Сирдарё вакиллари алоҳида ажралиб туришди. Бу ҳудуддан эркаклар ўртасида Анвар Хайлаев биринчи, хотин-қизлар баҳсида Дилноза Хайлаева иккин-

тика беллашувларида асосий савринларни қўлга киритишди. Сузиш



Спортсеварлар шаҳри Кешда

шашка, стол тенниси, сузиш ва арқон тортиш бўйича мусобақалашди.

Спартакиада қизгин баҳсларга бой бўлди. Жумладан, Фарғона вилояти ёшлари Шухрат Абдурахимов ва Дилноза Зокирова

стол тенниси бўйича барча рақибларини мағлуб этган бўлса, шахмат ва шашка

чи ўриндан жой олди. Шашка бўйича Жамила Даминова ғолиб чиққан бўлса, Озод Абдураимов эркаклар баҳсида иккинчи поғонани забт этди.

Кашқадарё ва Сурхондарё вилояти спортсеварлари эса ўзларининг кучли ва эпчил эканликларини намойиш этиб, арқон ториш ва енгил атле-

мусобақасида Тошкент шаҳри вакиллари Нодир Набиев ҳамда Лиана Диягинага тенг келадиган топилмади.

Шунингдек, Самарқанд, Наманган, Хоразм, Навоий, Тошкент вилоятлари вакиллари ҳам совринли ўринлардан бебаҳра қолишмади.

Умумжамоа ҳисоби-

да Кашқадарё вилояти ҳаваскор спортчилари биринчи, бухороликлар иккинчи, сурхондарёлик тармоқ ходимлари учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Оммавийлик ортидаги ютуқлар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, миллий спорт турларини ривожлантириш бўйича қатор ибратли тадбирларга бош-қош бўлмоқда.

Қарши шаҳридаги вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли спорт мажмуасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши соврини учун Термиз шаҳрида бўлиб ўтадиган мазкур мусобақанинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Кашқадарё — полвонлар юрти. Шу боис ҳар битта вазн тоифасида ғолиблик учун кураш мурасасиз кечди.

Ғолиб ва совриндорлар шохсупаси эса куйидагича кўриниш олди:

66 кг. 1. Ойбек Юсупов, (Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши), 2. Одил Юсупов, (Ёқилғи-энергетика), 3. Фарҳод Жўраев (Маданият ходимлари),

73 кг. 1. Бахтиёр Умаров (Маданият ходимлари), 2. Шерали Юсупов (Агросаноат мажмуи), 3. Н.Бобоназаров (Енгил, мебел саноати). 81 кг. 1. Ойбек Сафаров (Ёқилғи-энергетика), 2. Аслидин Холматов (Соғлиқни сақлаш), 3. Шавкат Ашуров (Агросаноат мажмуи).

90 кг. 1. Фаррух Қаршиев (Соғлиқни сақлаш), 2. Алишер Хўжамов (Давлат муассасалари), 3. Бобур Сувонов (Алоқа ходимлари),

100 кг. 1. Аббос Мардонов (Таълим ва фан), 2. Бахтиёр Баротов (Таълим ва фан), 3. Расул Ҳамроев (Сав-

до ва тадбиркорлар). +100 кг. 1. Раҳим Бўриев (Ёқилғи-энергетика), 2. Шерали Юсупов (Агросаноат мажмуи), 3. Бунёд Ражабов (Маданият ходимлари).

Баҳслар якунида ғолиблар вилоят бирлашмасининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

А. АҚМАЛОВ



(Ангрен шаҳри), Бахтиёр Менглиқулов +100 кг. (Қибрай ту-

Кураш

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Баркамол авлод йили ва Мустақилликнинг 19 йиллик байрамига бағишлаб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши соврини учун кураш мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди.

Кучлилар аниқланди

Унда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши жамоаси 1-ўринни эгаллаб, Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шахсий биринчиликда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасидан 66 кг. да шовотлик Анвар Куронбоев ва 73 кг. да Ботир Кулиев, 81 кг. да Санъат Одамбоев, 90 кг. да Боғот туманидан Алижон Бобониёзов, 100 кг. да Янгиариқ туманидан Алишер Қурязов, +100 кг. да агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси жамоасидан (Янгибозор тумани) Назар Абдуллаев ғолиб чиқиб, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Рустам ЮСУПБОВ, Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг жисмоний тарбия ва спорт жамияти ташкилий ишлар бўлими мудири

Тадбир

Бундан 12 йил муқаддам — 1998 йил 6 сентябр куни Президенти-миз Исрол Каримов ташаббуси билан Кураш халқаро ассоциацияси ташкил этилган эди.



Миллий курашимиз жаҳон бўйлаб

Бугунги кунда кураш дунё миқёсида кенг эътироф этилмоқда ва жаҳоннинг юздан ортиқ давлатида кураш бўйича миллий федерациялар фаолият юритапти.

Кураш халқаро ассоциацияси биносидан ташкил этилган матбуот анжуманида курашни оммалаштириш ва ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар, шу даврга қадар қўлга киритилган ютуқлар ҳамда келажакдаги режалар ҳақида суз борди.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, уларни асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодга етказишга бераётган эътибори миллий курашимизнинг дунёга юз тутиб, халқаро спорт тури сифатида тобора ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, кураш — ватанпарварлик, бағрикенглик, олижаноблик, ҳалоллик ва орномус сингари фазилатларни ўзида мужассам этган спорт туридир.

Қолаверса, кураш халқаро ассоциациясининг асосий мақсади миллий курашимизни олимпия спорт турлари сафига киритишдан иборат. Айни пайтда КХА ва унга аъзо Панамерика, Африка, Европа, Осиё ҳамда Океания кураш конфедерациялари ташаббуси билан жаҳон, Осиё ва турли нуфузли мусобақалар мунтазам равишда ташкил этиб келинмоқда.

Бундан ташқари, КХА томонидан курашнинг дунё миқёсида мавқеини янада такомиллаштириш мақсадида қатор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда. Масалан, кураш халқаро ассоциацияси жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилот — SportAccord (GAISF) нинг таркибига кириш учун ариза берган. Курашнинг SportAccord аъзоси бўлиши эса, курашнинг Олимпия ўйинлари таркибига киритилиши сари ташланган яна бир қадам дейиш мумкин.

Кеча Тошкент вилоятида жойлашган Чирчиқ Олимпия захиралари

кураш мусобақаси-

Сараланган полвонлар финалда

коллежи спорт манежида Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг жорий йил 13-16 сентябр кунлари Термиз шаҳрида бўлиб ўтадиган 2010 йил Баркамол авлод йили ва Мустақилликнинг 19 йиллик байрамига бағишланган ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши соврини учун

нинг вилоят босқичи ўтказилди.

Унда таълим ва фан, ёқилғи-энергетика комплекси ва геология, давлат муассасалари ва жамоат хизмати, соғлиқни сақлаш, агросаноат мажмуи ҳамда қурилиш ва қурилиш ашёлари ходимлари касаба уюшмаси кенгаши спортчилари, Олмалик ва Бекобод спорт клублари полвонлари, Тошкент вилоят-

тидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлардан ташкил топган 18 жамоанинг 108 нафар полвони гиламга чиқишди.

Темур Омонов 66 кг. (Чирчиқ шаҳри), Бекзод Эшмуродов 73 кг. (Қибрай тумани), Шухрат Ражабов 81 кг. (Чирчиқ шаҳри), Жамшид Файзиев 90 кг. (Ангрен шаҳри), Эрназар Холмирзаев 100 кг.

мани) спортчилари ўз вазн тоифаларида ғолиб бўлишди. Бундан ташқари, «Энг яхши ҳакам», «Энг чиройли усул», «Энг фаол жамоа», «Энг аҳил жамоа» каби номинацияларда ҳам совриндорлар аниқланди. Яқунда умумжамоа ҳисобида Қибрай тумани биринчи, Чирчиқ шаҳри иккинчи ва Ангрен шаҳри жамоалари кучли учликни ташкил этди.

Ирландия банки молиявий инқироз сабабли ўзининг суратлар коллекциясини сотувга қўйишга мажбур бўлди. Хабарларга қараганда, банкнинг 2010 йил биринчи ярмида кўрган фойдаси 66 фоизга пасайиши бошқарув ҳайъатининг шундай қарорга келишига сабаб бўлган.



...обрў кетмасин


Банкнинг ушбу бадий коллекцияси ўтган асрнинг 70-йилларидан йигила бошланган бўлиб, унда Пол Генри, Луи ле Брок ва Роберт Баллах каби машҳур ирланд рассомларининг асарлари, шунингдек, 2000 дан ортиқ турли бадий буюмлар тўпланган. Коллекциядаги энг қимматбаҳо асарлар 100 минг еврогача баҳоланган. Айни пайтда «James Adam & Sons» кимошди уйининг ходимлари банк вакилларига қиймати пастроқ асарларни сотувга қўймасликни маслаҳат бермоқда. Сабаби: уларга талаб бўлмаслиги мумкин.

Тахминларга қараганда, Ирландия банкidan кейин 2010 йилнинг биринчи ярмида кам фойда кўрган бошқа бир қатор молиявий ташкилотларнинг ҳам бадий асарлар аукционини ташкил қилиши кутилади. Аммо, мутахассисларнинг фикрича, банклар тушган маблағ билан танг аҳволдан чиқиб кета олмайди. Улар банк обрўсини сақлаб қолиш учун мижозлар наздида «тўғри йўналишда ҳаракатланишяпти, холос».

Фалокат оёқ остида

Мексиканинг шимоли-шарқидagi «Ретех» компаниясига қарашли нефтни қайта ишлаш заводида портлаш содир бўлди. Маҳаллий ОАВ хабарларига қараганда, ҳалокат оқибатида 5 киши жароҳатланган.

Портлаш 7 сентябр куни тонгда Монтеррей шаҳридаги «Кадеретя» заводида юз берган. Маҳаллий ҳокимият вакили Гилермо де Леона Делгадонинг сўзларига қараганда, портлашдан кейин ёнғин чиқмаган ва заводнинг катта қисми бемалол фаолиятини давом эттирмоқда.



Парҳездаги маймун

Британиядаги «Monkey World» ҳайвонларни ҳимоя қилиш маркази ходимлари вазни 98 кг.дан оша бошлаган «Ошин» лақабли орангутан учун тўғри овқатланиш дастурини тузишди.

Ошин ЖАРдан олиб келинган бўлиб, у 13 йил давомида уй ҳайвони сифатида боқилган. Одатда орангутаннинг вазни 30-50 килограмм атрофида бўлса-да, уй эгалари уни фаст-фуд ва ширинликлар билан боқишгани туфайли семириб кетган. Ҳайвонот боғи директори Элисон Крониннинг изоҳлашича, жониворнинг янги жойга кўчириши қийин бўлган. Овқатлантириш тинчлантиришнинг ягона усули бўлгани учун эгалари ўйлаб ўтирмай уни «сийлай-веришган».

Ҳозир маймун ҳайвонот боғида дастурга кўра кунига икки марта, асосан мева-сабзавотлар, ёғсиз гўшт ва йогурт билан кун кечирмоқда.



Фирибгарлик тан олинди

Қимматбаҳо қоғозлар ва паспорт ишлаб чиқарувчи Англиянинг «De La Rue» фирмаси ўз ходимлари томонидан мижоз фирмалар ҳужжатларининг сифати ҳақидаги хулоса сохталаштирилганини тан олди.

Фирма вакиллари текширув тафсилотлари ҳақида маълумот берар экан, фақатгина «ходимларнинг маълум қисми» баъзи мижозларнинг сифат сертификатларини «қасддан сохталаштирганини айтиш билан чекланишган.

Компания раҳбари Николас Брукс ходимларнинг хатти-ҳаракатини қаттиқ қоралади ва бу компания обрўсига салбий таъсир қилгани сабаб,

уларнинг жазоланишини маълум қилди. Ҳозирги пайтда мазкур иш мамлакатнинг фирибгарлик ишларига қарши кураш бюросига ўтказилган.

«De La Rue» фирмаси турли банкнот, паспортлар, ҳайдовчилик гувоҳномалари, шунингдек, банк қурилмалари



ишлаб чиқарувчи йирик компаниялардан бири ҳисобланади. 1821 йилда асос солинган ушбу компания Англия, Шотландия Қироллик банки, Литва Банки ва бошқа молиявий ташкилотларнинг банкнотларини тайёрлайди.

Google TV йил охиригача ишга тушади

«Google» компанияси президенти Эрик Шмидтнинг маълум қилишича, интернет гигантнинг «Google TV» хизмати йил охирида АҚШда ишга туширилади.

Хизматнинг бутун дунё бўйича ишга туширилиши 2011 йилга мўлжалланган. Шунингдек, компаниянинг янги телевидение хизмати бепул бўлиши маълум қилинган. Хабарларга қараганда, айни пайтда «Google» дунёнинг етакчи электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ҳамда матбуот компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Бу борадаги илк ҳамкорлар эса Япониянинг «Sony» ҳамда Швейцариянинг «Logitech» фирмалари бўлди.

«Google TV» хизмати лойиҳаси 2010 йилнинг май ойида оммага тақдим қилинган эди. Унга кўра, фойдаланувчилар махсус қурилма воситасида телевизорда интернетдаги видео маълумотларни кўриш ва тармоқда ишлаш имконига эга бўлишади. Шунингдек, баъзи телевизор моделларида қўшимча қурилмаларсиз хизматдан фойдаланиш мумкин.

Google



Ижтимоий тармоқлар ўқишга ҳалал бермоқда

Талабаларнинг интернетдаги турли ижтимоий тармоқларда узоқ вақт қолиб кетиши уларнинг ўзлаштириш даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда. «Facebook» ва бошқа шу каби ижтимоий тармоқларга кўп вақт сарфлайдиган талабалар бундай хизматлардан фойдаланмайди деганларга нисбатан паст баҳо олишмоқда.

Нидерландиялик профессор Пол Киршнер бошчилигидаги бир гуруҳ психологларнинг аниқлашича, ижтимоий тармоқларга аъзо талабаларнинг ўзлаштириши бошқа талабаларга нисбатан 20 фоизга паст.

Тармоқлардан фойдаланувчи талабаларнинг фикрича, аксинча, кун тартибининг турли хил бўлиши ўқувчини зериктирмайди ва қисқа вақтда кўп топшириқ бажариш мумкин экан. Ҳақиқатда эса, бундай чалғитувчи машғулотлар топшириқларни бажариш муддати чўзилишига ва хатоларнинг кўпайишига сабаб бўлади.

Тадқиқотда АҚШдаги университетлардан бирининг 19 дан 54 ёшгача бўлган 219 нафар талабаси иштирок этган. Қатнашчиларнинг асосий қисми тадқиқотчиларнинг хулосасига қўшилмаган.

Дунёнинг етакчи университетлари

«QS» халқаро университетлар рейтингига Англиянинг Кембридж университети фахри биринчи ўринни эгаллади. Ундан кейинги ўринларга эса АҚШ олий ўқув юрлари муносиб топилди.

Рейтингда иккинчи ўринни Гарвард, учинчи ўринни эса Йел университети эгаллаган. Умумий ҳисобда, рўйхатнинг илк 17 ўридан фақат Буюкб-

ритания ва АҚШ университетлари жой олган. Улардан кейин Европа, Канада ва Австралия университетлари турибди. Дунёнинг 200 та университетида тузилган ушбу рейтингга 23-ўринда турган Гонконг университети етакчилигида Осиенинг 15 та олий ўқув юрти ҳам киритилган.

Европада таълим даражаси юқорилиги билан

машҳур бўлган Германия ва Нидерландия университетлари рейтингдаги илк 50 та олий ўқув юрти сафидан жой ололмаган. Россиянинг Ломоносов номидаги Москва Давлат университети 93-ўринни забт этди. Рейтинг муаллифларининг фикрича, яқин келажақда Финляндия, Канада ва Япония


давлатлари дунё олий таълимида олдинги сафларни эгаллайди.

Халқаро «QS» рейтингига олий ўқув юртининг битирувчиларига бўлган талаб, талабалар ва ўқитувчилар сонининг мутаносиблиги, шунингдек, университетнинг халқаро даражадаги таълим сифати асосий омил ҳисобланади.

Интернет хабарлари асосида Ж. ЮНУСОВ тайёрлади



Куз ўйлари



Кўнглига сайр

Болалигимизда баҳорни, ёзни интиқ кутардик. Бу фаслар бизга олам-олам қувонч баш этарди. Ҳаёт қувончу шодликдангина иборат, деган болаларча тасаввур билан яшарканмиз, кузнинг ботинидаги яширин дард, сирли кайфиятни ҳатто илғамасдик. «Кумуш қишдан, зумрад баҳордан қолишмайди кузнинг зийнати», дея фаслар ҳақидаги куй-кўшиқларни жўшиб куйлардик. Олтинга тенг куз неъматларини таърифлашдан нарига ўтмасдик... Йиллар кетидан йиллар ўтди. Болалик ҳам ортда қолди. Улғайиб, табиатга ўзгача раэм сола бошладик. Баҳорни севардим, фақат баҳорни, Аммо бугун дардларимга ҳамоҳангдир куз. Сирли ёмғирларга тикилиб узок, Ҳаёл оғушида турибман хануз...

Ҳа, ҳаётимнинг маълум босқичида кузни севиб қолдим. Ҳар гал куз келганда, у билан ҳамоҳанг яшаётганимни ҳис қилдим. Ҳазимни

Кузнинг ilk кунлариданоқ руҳиятимизда қандайдир вазмилликни ҳис қилгандек бўламиз. Аслида, инсон табиатининг бир бўлаги, шу боис ҳам у билан ҳамоҳангдирмиш. Назаримда, куз табиатга салобат, ўйчанлик баҳи этади.

англаганим сари уни ҳам тушуна бошладим. Бироқ улкан дард, сокин салобат бағрида ўзимни унинг бир заррасидек ҳис қилганим сари яна ва яна мафтун бўлавердим.

Ҳатто комилликни кузнинг тимсолида кўргандек бўламиз. Уни «Донишманд фасл» дегим келади. Бағрига сингиб кетарканман, сўзламасдан ўғит бераётганини ҳис қиламан. Ундаги маҳзунлик, армон, ҳижрон, сокинлик, дард олдида ҳаётнинг икир-чикирлари арзимасдек туюлади.

Ҳа, анча йиллардан бери куз билан ҳамоҳанг яшашга ўргандим. Унинг келиши менга қувонч бахш этади, десам унчалик тўғри бўлмас. Чунки қувончда шодликнинг ўзигина бор холос. Куз эса менга қувончдан ҳам юксак, аниқроғи, сўз билан ҳам таърифлаш мушкул бўлган ажиб бир кайфият бахшида эта бошлаган эди. Чунки ҳаётнинг энг улкан фалсафасини ҳам донишманд куз қиёфасида англадим.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Талабалик йилларим... Уйи-

миз яқинидаги хазонрезги боғда узок айландим. Ҳаво жуда намчил эди. Бирданига атрофни қуюқ туман қуршаб кела бошлади. Бир зумда борлиқни қоплаб олгандек бўлди. Ҳа, лаҳзада ҳаёлларим ҳам паришон бўлиб кетди. Туман мени борлиқдан узиб қўйгандек бўлди. Оёғим остида тўша-либ ётган хазондан бошқа ҳеч нарсани кўрмай қолдим. **Ҳайр, менинг хазонрез кузим Энди мени кутма боғингда...**

Сайхонлик сари одимлар эканман, ортга яна назар ташладим. Туман шиддат билан ўтиб кетганди. Аммо куз жойида турарди. Уткинчи туман унга заррача ҳам таъсир кўрсатолмагани катта ўғит эди мен учун...

Бу йил ҳам куз билан юзлашиш насиб этди. Ҳазимнинг сир-синоати, вазмин кайфияти билан яна ўзига тарта бошлади. Унинг минг маъно яширин суврати-ю сийратига боққаним сари тафаккур уммонига шўнғиб кетаман. Бу эса менга шодликдан-да аъло кайфият ва... ҳаловат бахш этади.

Сайёра ШОДИЕВА, «Ishonch» муҳбири

Миннатдорчилик Ҳам ҳордиқ, ҳам саёҳат

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, дейди доно халқимиз. Ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, уларнинг соғлиғи ва мазмуни дам олиши ҳақида қай-гурадиган касаба уюшма ташкилотидан миннатдормиз.

Кўп йиллик фаолиятим давомида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хива тумани бирлашган кўмитаси мадади ва ғамхўрлигини ҳис қилиб келмоқдаман. Айниқса, Д.Раззоқова ётақчилик қилаётган йилларда ташаббускорлик янада ошди. Ҳа, ҳам мактаб директори лавозимида ишлаб, бу вазифанинг қанчалик машаққатли эканини билган Дилдора кўплаб хайрли ва эзгу ишларга бош қўшмоқда. Ёзнинг иссиқ кунларида мактаб учун елиб-юрган директорларга Бухоро вилоятига икки кунлик саёҳат уюштирилиши эълон қилинганда, барчамиз чин дилдан қувондик. 26 нафар директор қадимий шаҳарнинг табаррук қадамжоларини ўз кўзимиз билан кўриб, ҳордиқ чиқариб келдик.


Бунинг учун ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирамиз.

Гулсора БОЛТАЕВА, Хива туманидаги 27-умумтаълим мактаби директори

Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳақиқий аъзоси, халқ рассоми, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Жавлон Умарбековнинг ижоди бугун юксак чўққига кўтарилган.



Жўшқин, жонли, ҳаяжонга тўла



Тасвирий санъат

Рассом даставвал П.Бенков номидаги Республика рассомчилиги билим юрти, сўнгра Бутуниттифоқ Давлат киномотография институтини ўқийди.

Унинг ижодида беғубор болалик йиллари, Тошкентнинг эски шаҳар кўчалари ёрқин бўёқларда акс этган. Рассом санъат кўчасига қандай кириб қолганини бот-бот эслади, хотирасида уларни тиклаб, асарларида тасвирлайди. Китобот руҳига кириб юрган онлари, ўқиш-ўрганиш, англашдан толмаган дамларини асарларида жонлантиради. Мойбўёқ сеҳри, иқтидор ва илҳомнинг уйғунлашувидан «Менинг болаликдаги анҳорим», «Анҳор томонидан Шайхонтоҳур кўриниши», «Жаркўча. Самарқанд дарвоза», «Декабр, Самар-

қанд дарвоза», «Аравакашлар маҳалласи», «Ёшлар» каби ўлмас асарлари яратилган.

Унинг «Оттепеп» («Эриш», «Исиш») композициясида табиатда юз бераётган кескин ўзгариш ва силжишлар тасвирланган. Айрим «гапирувчи детал»лар ва белгилар орқали табиатнинг қудрати ифода этилади. Қайрағоч дарахтининг ғоят жўшқин, жонли, ҳаяжонга тўла, енгил ва атрофга қулоқ ёйиб жилоланишини рассом кескин юритилган мўйқаламнинг нозик тебраниши, ранглар уйғунлиги ва эпкин билан жонлантиради, жунбушга келтиради. Бу асарларда «гапирувчи деталлар» кучли интеллект орқали ҳикоя қилади. Шунинг учун ҳам рассомнинг

ҳар бир асариди шоирона руҳи билан, эстетик тушунчалари, руҳий олами ва характери, инсоний ва дунёвий тушунчаларга муносабати манаман деб намоён бўлади.

Чексиз воқеа ва ҳодисалар силсиласи, ўлканнинг, унда яшаётган инсонларнинг автобиографик ҳаёти, табиати ҳақида ўта зукколик билан гапирилгандай, ранглар таъсиридан унумли фойдалангандай, ранг орқали кўп воқеа ва ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилгандай кўринади. Рассом қалб кўридаги туйғуларни тимсоли асарлари характерида жўшиб туради, жонланади.

«Қушан шаҳзодаси билан автопортрет», «Дўппи сотиш-япти», «Мен инсонман», «Жазирама» ва «Қовун бозори», «Сувга кетаётган қиз» ва «Папирос ва ширинликлар сотувчилари», «Санъат ашёлари», «Учиб кетаётган аравалар» каби турли йўналишдаги асарларида Жавлоннинг рассомлик салоҳияти ярқираб кўзга ташланади.

У чексиз фикрлар мажмуаси, воқеалар силсиласини кам воситалар орқали кенг ва қамровли ҳикоя қила олади, чегарасиз фикрлар йиғиндисини

тасвирий тилнинг кенг имкониятларини қўллаган ҳолда талқин доирасига киритади. Рассом ижодининг кучи ҳам ана шунда.

«Етти иқлим султони», «Уйғониш» (учлик), «Инсон заковати», «Сомон бозори», «Эски мис сотувчиси» каби композицияларида тарихий давр, халқнинг маиший турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий, маънавий хусусиятлари, заковати акс этган. Улар рассомнинг нафис олами, ҳаяжони ва жўшқин ҳаётдан дарак беради. Унинг асарлари туйғуларни мавжлантиради, оддий бир манзарани юксак бадий асар даражасига кўтаради. «Тумор», «Она ва бола», «Машшоқлар», «Лалми дала» каби асарлари шулар жумласидандир. Кундалик воқеа-ҳодисалар талқини рассом кўнглидан ўтиб, сайқаланиб, ноёб бадий солномага айланади. Жавлоннинг ўзига хос маҳорати, диққатининг кучи, бадий салоҳиятининг қудрати шу орқали намоён бўлади.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ, санъатшунослик фанлари доктори

Газетанинг навбатдаги сони 14 сентябр, сешанба куни чиқади.



МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир:
Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати:
Алла Долженкова,
Анвар Юнусов,
Довуд Мадиер
(Бош муҳаррир уринбосари),
Жаҳонгир Шарофбоев
(масъул котиб),
Маъмура Адилова,
Мирзохид Содиков,
Нормама Аллаёров,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримкул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев

Бизга кўнғироқ қилинг:
Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди.
Бичими А-3.
Ҳажми 4 босма табақ.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар (h) белгиси остида чоп этилади.
E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи котиб:
Ж.Шарофбоев
Навбатчи:
А.Абдуллаев
Мусаххих:
С.Шодиева

Саҳифаловчи-дизайнер:
Ҳ.Абдужалилов
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.45
Буюртма Г — 851
Тиражи: 11449
ISSN 2010-5002
1 2 3 4 5